ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

С.К.ХУДОЙҚУЛОВ, О.А.ЮСУПОВ, А.Т.АГЗАМОВ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ
фанидан
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент - 2012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

С.К.ХУДОЙҚУЛОВ, О.А.ЮСУПОВ, А.Т.АГЗАМОВ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ
фанидан
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент - 2012

Худойқулов С.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: Маърузалар матни.. – Т.: ТДИУ, 2012. - 182 б.

Ушбу маърузалар матни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълимнинг 300000- «Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ» билим соҳасининг 340000- «Иқтисод ва бизнес» таълим соҳасидаги 5340800- «Солиқлар ва солиққа тортиш» таълим йўналиши учун 2011 йилда тасдиқланган ва рўйхатга олинган «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани ўқув дастурига асосан ёзилган

Маърузалар матни Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сон қарори ва солиққа оид қонун ҳужжатлари асосида ёритилган.

Маърузалар матнида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ тизимида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиби, жисмоний шахслардан ундириладиган умумдавлат ва маҳаллий солиқларни иқтисодий моҳияти ва солиқ тизимидаги аҳамияти, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг турлари, жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топган.

Маърузалар матни олий таълимнинг 340000- «Иқтисод ва бизнес» таълим соҳасидаги 5340800- «Солиқлар ва солиққа тортиш» таълим йўналиши талабалари ва иқтисодий таълим йўналишлари олий ўқув юртларининг бакалаврлари, магистрлари, давлат солиқ хизмати органлари, молия ва банк ходимлари, бухгалтерлар, аудиторлар, профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир **и.ф.н., доц. Эшбоев. Ў.Т.**

Тақризчилар: **и.ф.д., проф. Иминов О.К.**
и.ф.д., проф. Каримов Н.Ғ.

© -Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2012.

КИРИШ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар давлат бюджети даромадларини мунтазам таъминлаб турувчи молиявий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш доимо олдимизда турган энг муҳим устувор вазифалардан биридир.

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органларига мутахассис кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний шахслардан ундириладиган умумдавлат ва маҳаллий солиқларни иқтисодий моҳияти, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг турлари, жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани алоҳида ўрин тутади.

2012 йил 19 январь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида изчиллик билан амалга оширилаётган солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилаётганлиги эътироф этилди «Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда солиқ юки,1991 йил билан солиштирилганда,ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийиб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди.бунинг натижасида бўшаб қолган қарийиб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этига йўналтириш имкони пайдо бўлди.

2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи,пенсиялар,нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди.аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди.Айни пайтда шунга эътибор беришингизни сўрайман аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда,иш ҳақи,ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш,улар қўллаб қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда,даромадларидаги фарқ коэффиценти 21,1 баробаридан 8,3 баробарига қисқарди. Айтиш керакки, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффицент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даржаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу,

аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир»[1]

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ислоҳатларимизнинг кейинги босқичида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинганлиги ва жорий этилганлиги таъкидлаб ўтилди «Ислоҳатларимизнинг кейинги босқичида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Хусусий корхона тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширалаётган бозор ислоҳатларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда»[2]

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” ҳамда “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”[3] номли асар ва маърузаларида келтирилган маълумотлар, асосий тушунча ва қарашлар, устувор йўналишлар ва хулосаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятларида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фаннинг олдида турган асосий вазифалардан биридир.

---

[1] И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь (№ 14) 2-бет

[2] И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220) 4-бет

[3] И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь (№ 14) 2-бет

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиби, жисмоний шахслардан ундириладиган умумдавлат ва маҳаллий солиқларни иқтисодий моҳияти ва солиқ тизимидаги аҳамияти, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг турлари, жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан таништириб, уларнинг билимларини чуқурлаштириш, фан буйича назарий ва амалий билим кўникмаларини ҳосил қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.

1-МАВЗУ. «ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАСИ

1. «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг мақсади ва вазифаси

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиби, жисмоний шахслардан ундириладиган умумдавлат ва маҳаллий солиқларни иқтисодий моҳияти ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидаги аҳамияти, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг турлари, жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан таништириб, уларнинг солиқлар ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, фан буйича назарий ва солиқ солиш амалиёти бўйича билим кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифаси бўлиб :

жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиби бўйича талабалар ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларини назарий ҳамда солиқ солиш амалиёти бўйича амалий томондан ўргатиш ҳамда солиқ амалиётида тадбиқ этиш.

солиқ солиш амалиёти ривожланган чет эл мамлакатларининг солиқ амалиётидаги илғор тажрибаси ва моделларини ўрганиш асосида ўзимизнинг солиқ тизимимизга мос томонларини қўллашдан иборатдир.

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органларига етук мутахассисларни тайёрлашда асосий ўринга эга.

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг асосий вазифаси юқори малакали давлат солиқ хизмати органларига мутахассис ходимларни тайёрлашда уларни назарий ва солиқ солиш амалиёти бўйича амалий жиҳатидан ўрганишлари ва билимга эга бўлишларини таъминлашдан иборатдир.

2. «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг предмети ва моҳияти

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани барча иқтисодий фанлар каби ўзининг предметига, яъни изланиш объектига эга. «Солиқ тарихи ва назарияси» фанининг предмети бўлиб солиқлар ва солиқ муносабатларини пайдо бўлиши ҳамда солиқларнинг ҳаркати ҳисобланса, «Юридик шахсларни солиққа тортиш» фанида эса юридик шахсларни солиққа тортиш механизмини ҳар томонлама ўрганиш бўлса, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг ҳаракати, жисмоний шахсларга солиқ солиш механизмини ҳар муккамал ўрганиш, жисмоний шахсларга солиқ солиш ва давлат бюджетига ўтказиш жараёни «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг предмети бўлиб ҳисобланади.

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанини ўрганишдаги усуллар умумий ва алоҳида усулларга бўлинади.

Табиат, жамият ва тафаккурнинг ривожланиш қонунларини тадқиқ қилишнинг илмий услуби диалектик услубдир. Шунинг учун ҳам ушбу илмий услуб барча фанларнинг, шу жумладан «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг назарий ва услубий асосини ташкил этади. Диалектика иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳаракат ва ривожланишида тадқиқ қилишни талаб этади. Диалектик услуб шуни тадқиқ этадики, ривожланиш қуйидан юқорига қараб содир бўлади, билиш эса оддийдан мураккабга томон ривож топиб боради. Шунинг учун ушбу услуб тадқиқ этишнинг индукция ва дедукция усулларини ўз ичига олади.

Хусусий, якка факт олиниб, унинг асосида умумий қоида ҳосил қилинадиган бўлса – индукция усули вужудга келади. Барча хусусий ҳолларни ўз ичига олган умумий қоида ҳосил қилинса – дедукция усули юзага келади.

Ҳамма иқтисодий фанлар каби «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг ҳам ўзига хос илмий тадқиқ этиш усуллари мавжуд, яъни илмий тадқиқ этиш усуллари бири бу илмий абстракция усулидир. Илмий абстракция усулининг моҳияти бу таҳлил пайтида объектнинг фақат бир томонига, тадқиқ

этилаётган жараённинг асосий моҳиятига эътибор қаратилиб, ҳалал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали элементларнинг таъсири эътибордан четда қолдирилади.

Табиат ва жамиятдаги воқеа ҳодисалар сингари иқтисодий жараёнларнинг ҳам таркибий бўлимларини тадқиқ этмай туриб, яъни таҳлил қилмай туриб, уларни илмий жиҳатидан ўрганиб бўлмайди.

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани шунингдек, ўз предметини ўрганишда таҳлил ва синтез усулидан ҳам фойдаланади.

«Таҳлил» ибораси грекча «анализ» сўзидан олинган бўлиб, бу қисмларга бўлиш ёки ажратиш, таҳлил қилиш каби маъноларни билдиради, яъни таҳлил мураккаб ҳодиса ва предметларни таркибий бўлакларга бўлиш, ажратиш асосида кўрсаткичларни таққослаш ва тадқиқ этиш демакдир.

Таҳлил усули бўлиб, бу усул воситасида воқеа ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар тадқиқ этилади.

Синтез усули тадқиқ этилган бўлимлардан олинган хулоса ва натижаларни бутун бир яхлит жараён деб ҳисоблаб, умумий хулоса чиқаришдан иборат. Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ турларини ҳисоблаш ва давлат бюджетига ўтказиш тартибининг амалий масалалари мазкур усул билан тадқиқ этилади.

Тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши учун предметнинг айрим таркибий элементларининг боғлиқлигини ва мавжуд муаммоларни аниқлаб олиш, умумлаштириш, яъни синтез қилиш лозим. Таҳлилсиз синтез ҳам бўлмайди.

Шунингдек, «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанини ўрганишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: фоиз чиқариш, таққослаш, коэффицент, занжирли боғланиш, корреляция, математик усулларни қўллаш, статистик, график, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни даврлар бўйича таққослаш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ тушумларини жадваллар орқали ифодалаш, ўзгаришларни аниқлаш, уларга назарий жиҳатдан баҳо бериш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг бошқа иқтисодий категорияларга таъсирини график усулда тасвирлаш ва бошқалар.

Юқорида айтиб ўтилган усуллардан фойдаланиб жисмоний шахсларнинг фаолиятини таҳлил қилиш иқтисодиётдаги янги имкониятларни топишда ёрдам беради, жисмоний шахсларни солиққа тортиш самарадорлигини янада оширади.

Статистик гуруҳлаш усули - бу маълумотларни маълум белгиларига кўра гуруҳларга ажратиш статистик тадқиқ этишнинг муҳим усули ҳисобланади. Статистик усул деб аталишига сабаб шундаки, бунда кўрсаткичлар бир қанча статистик маълумотларни гуруҳларга бўлиш асосида ўрганилади. Статистик гуруҳлаш усули орқали иқтисодий кўрсаткичлар бир ҳил бўлган гуруҳларга ажратилади ва айрим кўрсаткичлар ўртасида бир-бирига боғлиқлик борлигини ҳамда тадқиқ этилаётган воқеа ҳодисларнинг энг зарури, муҳими аниқланади.

3. «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг ҳаракатини ва жисмоний шахсларга солиқ солиш механизмини чуқур ўрганиш асосида хулоса қилиб олинган солиқ муносабатларини тартибга солиб ўргатади.

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани «Солиқ тарихи ва назарияси» фани билан чамбарчас боғликдир. Чунки жисмоний шахслардан олинадиган солиқ назарияси қонуниятлари ва солиқ солиш тамойилларидан четга чиқиб кетаолмайди, уларга асосланади.

Бу фан молия фани билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, солиқлар молия муносабатларининг таркибига киради. Молия ҳам, жисмоний шахслар солиқлари ҳам пул муносабатларини ифодалайди. Мазкур иккала фан учун ягона асос пул муносабатларининг номоён бўлишидир. Лекин жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган пул муносабатларини, яъни солиқ тўловчи жисмоний шахслар билан давлат ўртасидаги мажбурий пул муносабатларини ифодалайди.

Шунингдек, «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани бакалавриат таълим йўналишидаги «Солиқ тарихи ва назарияси», «Молия», «Бухгалтерия

ҳисоби назарияси», «Давлат бюджети», «Иқтисодиёт назарияси»,«Иқтисодий таълимотлар тарихи», «Макро ва микроиқтисодиёт», «Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи», «Солиқ аудити», «Солиқ менежменти», «Солиқ ҳуқуқи», «Молиявий менежмент», «Солиқ статистикаси ва прогнози» «Солиқ назорати», «Молиявий ва бошқарув ҳисоби» ва «Чет мамлакатлар солиқ тизими» ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқдир.

4. Солиқлар ва мажбурий тўловлар тизими ва жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўзларига солиқ қонунчилиги хужжатларида юкланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун фақат назарий жиҳатларини ўрганиб қолмасдан, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурлиги, умумий асосга эга бўлган солиқ қонунчилиги тамойиллари, солиқлар ва мажбурий тўловлар тизими, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг турлари ва жисмоний шахсларга солиқ солиш механизмини амалдаги ҳолатини муккамал эгаллаган бўлиши лозим. Бунинг учун эса, «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанини чуқур ва муккамал ўрганиши керак.

Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб яратила бошланган. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги қонунида Ўзбекистон Республикаси бундан буён ўзининг мустақил молия-солиқ сиёсатини олиб борилиши кўрсатиб ўтилган. Мамлакатимизнинг жисмоний шахсларни солиққа тортишни ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда юз берган иқтисодий ўзгаришлар, бозор муносабатларига асосланган жамиятга ўтиб борилиши солиқ қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Мазкур ўзгаришлар ва ислоҳатларнинг барчаси 2007 йил 23 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2007 йил 30 ноябрда Сенат томонидан маъқулланган, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон

Республикасининг Президенти И. Каримов томонидан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1257-сон қарори, 2010 йил 21 майдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш “тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 98-сон қарори, 2000 йил 5 майдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 180-сон қарори, 2010 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг тузилмасига ўзгартишлар киритиш” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1261-сон қарори, 2000 йил 13 мартдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш” тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 87-сон қарори, 2009 йил 21 июлдаги “Давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар узатиш тармоғини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 207-сон қарори, 2010 йил 15 сентябрдаги “Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳамда

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигидаги бошқа ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Солиқларга қуйидагилар киради:

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи.
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.
3. Қўшилган қиймат солиғи.
4. Акциз солиғи.
5. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар.
6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.
7. Мол-мулк солиғи.
8. Ер солиғи.
9. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.
10. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:
   - Ягона ижтимоий тўлов.
   - Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари.
   - Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар.
2. Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:
   - Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар.
   - Республика йўл жамғармасига йиғимлар.
3. Давлат божи.
4. Божхона тўловлари.
5. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

1.Ягона солиқ тўлови.

2.Ягона ер солиғи.

3.Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

1-жадвал

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими

№	Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар	Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган солиқлар
1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Мол-мулк солиғи	Ягона солиқ тўлови
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Ер солиғи	Ягона ер солиғи
3.	Қўшилган қиймат солиғи	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ
4.	Акциз солиғи	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	
5.	Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар.		
6.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.		

Қисқача хулосалар

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органларига мутахассис кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан таништириб, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар

ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, фан буйича назарий ва солиқ солиш амалиёти бўйича билим кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир.

Шунингдек, жисмоний шахслардан ундириладиган умумдавлат ва маҳаллий солиқларни иқтисодий моҳияти, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг турлари, жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани алоҳида ўрин тутади.

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг ҳаракатини ва жисмоний шахсларга солиқ солиш механизмини чуқур ўрганиш асосида хулоса қилиб олинган солиқ муносабатларини тартибга солиб ўргатади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг мақсади ва вазифаси нималардан иборат?
2. «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг предмети ва моҳиятини тушунтириб беринг?
3. «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги қандай?
4. Солиқлар ва мажбурий тўловлар тизимининг таркибий тузилиши тушунтириб беринг?
5. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Тестлар

1. Фаннинг вазифаси бўлиб :

А. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиби бўйича талабалар ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларини назарий ҳамда солиқ солиш амалиёти бўйича амалий томондан ўргатиш ҳамда солиқ амалиётида тадбиқ этиш.

Солиқ солиш амалиёти ривожланган чет эл мамлакатларининг солиқ амалиётидаги илғор тажрибаси ва моделларини ўрганиш асосида ўзимизнинг солиқ тизимимизга мос томонларини қўллашдан иборатдир.

Б. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш тартиби бўйича талабалар ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларини назарий ҳамда солиқ солиш амалиёти бўйича амалий томондан ўргатиш ҳамда солиқ амалиётида тадбиқ этиш.

В. Банкларни солиққа тортиш тартиби бўйича талабалар ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларини назарий ҳамда солиқ солиш амалиёти бўйича амалий томондан ўргатиш ҳамда солиқ амалиётида тадбиқ этиш.

Г. Микрофирмаларни солиққа тортиш тартиби бўйича талабалар ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларини назарий ҳамда солиқ солиш амалиёти бўйича амалий томондан ўргатиш ҳамда солиқ амалиётида тадбиқ этиш.

Д. Кичик корхоналарни солиққа тортиш тартиби бўйича талабалар ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларини назарий ҳамда солиқ солиш амалиёти бўйича амалий томондан ўргатиш ҳамда солиқ амалиётида тадбиқ этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими қуйидагилардан иборат ?

А. Умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган солиқлар

Б. Суғурта тўловлари ва маҳаллий солиқлар

В.Коммунал хизмат тўловлари ва умумдавлат солиқлари

Г.Кредит тўловлари ва маҳаллий солиқлар

Д.Фоиз тўловлари ва умумдавлат солиқлари

3.«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани барча иқтисодий фанлар каби :

А. ўзининг предметига, яъни изланиш объектига эга.

Б. ўзининг тартибига, яъни изланиш объектига эга.

В. ўзининг назариясига, яъни изланиш объектига эга.

Г. ўзининг имтиёзига, яъни изланиш объектига эга.

Д. ўзининг элементига, яъни изланиш объектига эга.

4. «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанини ўрганишдаги усуллар қандай мавжуд ?

А. Умумий ва алоҳида усуллар

Б. Умумий ва бирламчи усуллар

В. Умумий ва имтиёзли усуллар

Г. Тўлиқ ва алоҳида усуллар

Д. Умумий ва вақтинчалик усуллар

5. «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фанини ўрганишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

А. фоиз чиқариш, таққослаш, коэффицент, занжирли боғланиш, корреляция, математик усулларни қўллаш, статистик, график, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни даврлар бўйича таққослаш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ тушумларини жадваллар орқали ифодалаш, ўзгаришларни аниқлаш, уларга назарий жиҳатдан баҳо бериш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг бошқа иқтисодий категорияларга таъсирини график усулда тасвирлаш

Б. ишлаб чиқариш, таққослаш, коэффицент, занжирли боғланиш, корреляция, математик усулларни қўллаш, статистик, график, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни даврлар бўйича таққослаш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ тушумларини жадваллар орқали ифодалаш, ўзгаришларни аниқлаш, уларга назарий жиҳатдан баҳо бериш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг бошқа иқтисодий категорияларга таъсирини график усулда тасвирлаш

В. Кредит, таққослаш, коэффицент, занжирли боғланиш, корреляция, математик усулларни қўллаш, статистик, график, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни даврлар бўйича таққослаш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ тушумларини жадваллар орқали ифодалаш, ўзгаришларни аниқлаш, уларга назарий жиҳатдан баҳо бериш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг бошқа иқтисодий категорияларга таъсирини график усулда тасвирлаш

Г. Суғурталаш, таққослаш, коэффицент, занжирли боғланиш, корреляция, математик усулларни қўллаш, статистик, график, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни даврлар бўйича таққослаш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ тушумларини жадваллар орқали ифодалаш, ўзгаришларни аниқлаш, уларга назарий жиҳатдан баҳо бериш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг бошқа иқтисодий категорияларга таъсирини график усулда тасвирлаш

Д. Ялпи тушум, таққослаш, коэффицент, занжирли боғланиш, корреляция, математик усулларни қўллаш, статистик, график, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни даврлар бўйича таққослаш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ тушумларини жадваллар орқали ифодалаш, ўзгаришларни аниқлаш, уларга назарий жиҳатдан баҳо бериш, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг бошқа иқтисодий категорияларга таъсирини график усулда тасвирлаш

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори
5. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил

6. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т:.Шарқ, 2009. 448 бет.
7. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –T.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.
8. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
9. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
10. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.
11. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.
12. www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
13. www.soliq.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.

2-МАВЗУ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАКЛИ ВА УЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ АСОСЛАРИ

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўловчилар ва солиқ солиш объекти

Солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

Жисмоний шахсларнинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида қабул қилинган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ва ставкалар бўйича солиқ солинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солиш объекти таркибига жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари киради:

1.Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари.

2.Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди.

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади. Солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

2.Жисмоний шахсларнинг жами даромади таркиби

Жисмоний шахсларнинг жами даромадига қуйидагилар киради:

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар.
2. Мулкий даромадлар.
3. Моддий наф тарзидаги даромадлар.
4. Бошқа даромадлар.

Юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди:

1.Меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари.

2. Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно.

3. Ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари.

4. Диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш,вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар.

5. Ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган

харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари.

6. Ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкини кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари.

7. Хизмат сафарларидаги қуйидаги компенсация тўловлари:

Тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, бироқ авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда.

Уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар.

Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда - қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида.

Тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар.
қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар).

Қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар.

8. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

Доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар).

хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно.

дала таъминоти.

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар),

9. Меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади).

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар.

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар.

ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар.

10. Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар.

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар.

11. Талабаларнинг таълим олиши учун, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар.

12. Мол-мулкни суғурта қилиш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга тўланадиган суғурта мукофотлари. Мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотининг бир қисмини
ёки тўлиқ қайтарса, қайтарилган суғурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади.

13.Ёш оилалар аъзоларининг уй-жой олиш учун юридик шахсдан - иш берувчидан олган маблағлари. Уй-жой олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

14.Ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:

1.Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи.

2.Илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар.

3.Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар.

4.Компенсация тўловлари (компенсация).

5.Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

1.Предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўловлар.

2.Юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар.

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

1.Йиллик иш якунлари бўйича мукофот, байрам саналари ва муҳим саналар, жамоатчилик фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш хусусиятига эга бир йўла бериладиган мукофотлар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар.

2.Юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қоидасида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар.

3.Касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар.

4.Таътилга қўшимча ҳақлар.

5. Кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар.

6. Рационализаторлик таклифи учун тўлов.

Компенсация тўловлари (компенсация)

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қуйидагилар киради:

1.Табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли

меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига устамалар.

3. Технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар.

4. Кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар.

5. Доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар.

6. Юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланадиган суммалар.

7.Ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар.

8. Қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти.

9.Хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар).

10.Ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа

ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганликлари муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар.

11.Хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар.

12. Меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун солиқ қонунчилигида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар.

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлашга қуйидагилар киради:

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ:

1.1 Йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътилдан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш.

1.2. Ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш.

1.3. ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътилларга ҳақ тўлаш.

1.4. ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш.

2. Асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар.

3. Донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш.

5. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи.

6. Бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойида лавозим бўйича маоши миқдорлари маълум бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш.

7. Юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи.

8. Ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш.

9. Меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш.

10.Қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш.

11. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш.

12. Юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш.

13. Юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар.

14. Олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

Мулкий даромадлар

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига қуйидагилар киради:

1. Фоизлар.

2. Дивидендлар.

3. Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар.

4.Жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар. Мол-мулкни олиш нархи ва реализация қилиш нархи, олиш нархи бўлмаган тақдирда эса, инвентаризация қиймати ва реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади.

5. Саноат мулки объектларига, селекция ютуғига берилган патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади.

6. Роялти.

7.Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

Моддий наф тарзидаги даромадлар

Солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар қуйидагилардир:

1. Юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш.

коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш.

озиқ-овқат, йўл чипталари қийматини тўлаш ёки озиқ-овқат, йўл чипталари қийматини қоплаш.

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш.

юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари.

2. Солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текинга, шу жумладан ҳадя шартномаси асосида берилган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати.

3. Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳисоблаб чиқарилган қиймати ўртасидаги салбий тафовут.

4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси.

5. Жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари.

6. Иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи юридик шахсдан товарлар (ишлар, хизматлар) олган тақдирда, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати уларни олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жисмоний шахс юридик шахсдан акциз тўланадиган товарлар ёки қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) олса, бундай товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида акциз солиғининг ва қўшилган қиймат солиғининг тегишли суммаси ҳисобга олинади.

Бошқа даромадлар

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига қуйидагилар киради:

1. Пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар.

2. Стипендиялар.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам.

4. Донорлик учун пул мукофотлари.

5. Алиментлар.

6. Ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак қурти, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар.

7. Жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар қиймати.

8. Мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари.

9. Ютуқлар.

10. Грант берувчидан олинган грантлар, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар.

11. Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари.

12. Яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар.

13. Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти.

14. Халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти.

15. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар.

16. Моддий ёрдам тариқасида:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар.

ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар.

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар.

мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар.

17. Қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари.

18. Ишламайдиган пенсионерларга юридик шахс томонидан тўланадиган тўловлар.

19.Суғурта товони суммалари.

20.Маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пул тўловлари.

3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ имтиёзлари

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1. Моддий ёрдам суммалари:

- фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари -тўлалигича.
- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда.
- бошқа ҳолларда - солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда.

2. Йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва

соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари.

3. Ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд
пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида.

5. Вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

7. Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти.

8. Халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти.

9.Саноат мулки объектларига ва селекция ютуғи патентига патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентни (лицензияни) уларнинг амал қилиш муддати доирасида, лекин фойдаланиш бошланган кундан эътиборан қуйида кўрсатилган даврдан кўп бўлмаган муддатда сотишдан олган даромади суммаси:

- ихтиролар ва селекция ютуғидан - беш йил давомида.
- саноат намунасидан - уч йил давомида.
- фойдали моделдан - икки йил давомида.

10.Донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар.

11. Жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар, бундан қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини) реализация қилишдан олинган даромадлар, шунингдек амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида олинган мол-мулкни сотишдан тушадиган даромадлар мустасно.

12.Уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта

ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно. Мазкур даромадлар солиқ тўловчи
тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади.

13.Халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати.

14.Юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

- ходимлар натура шаклида олган совғалар.
- илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги ёрдам.

15. Жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно.

16.Давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар.

17.Депозит сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклар ва кредит уюшмаларидаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар.

18. Халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан - грант олувчидан олган грант суммаси.

19. Фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари, шунингдек дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар.

Солиқ имтиёзи қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чиқиб кетилганда), мазкур мол-мулк сотилганда ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак.

20. Меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидаги тўловлар.

21. Олинган алиментлар.

22. Фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари.

23.Қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар.

24. Уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари.

25. Давлат пенсиялари.

26. Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари.

27. Фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари.

28. Юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига - юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

29. Қуйидаги жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартирали уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурувчи

шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

Мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

30.Фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари.

Солиқ солишдан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

1. Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича.

2. Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича.

3. Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон

Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича.

4. Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича.

5. Халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича.

6. Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар - хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича.

7. Прокуратура органларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари - уларнинг хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан олган даромадлари бўйича.

8. Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар - ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Қуйидаги жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади:

1. "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб

қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар. Бу имтиёзларни бериш учун "Ўзбекистон Қаҳрамони" гувоҳномаси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчаси, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланганларнинг орден дафтарчаси, уруш ногиронларининг тегишли уруш ногирони гувоҳномаси ёхуд мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёки бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси, бошқа ногиронларнинг – Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асос бўлади.

2. Хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари. Имтиёз Уруш қатнашчисининг гувоҳномаси асосида, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари –

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади.

3. Ленинград шаҳрида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача қамал даврида ишлаган фуқаролар. Имтиёз ушбу шахслар қамал даврида Ленинград шаҳри корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида берилади.

4. Ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ногирон бўлиб қолганлар. Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси имтиёзлар берилиши учун асос бўлади.

5. Болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

6. Ўн ва ундан ортиқ боласи бор аёллар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси мазкур имтиёз берилиши учун асос бўлади.

7. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яралганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз "Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)" ёки "Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)" штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади.

8. Хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар. Мазкур имтиёзни бериш учун Имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлиги қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлиги мудофаа ишлари
бўйича бўлимлари, ҳарбий қисмлари, ҳарбий-ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ёки ташкилотларининг маълумотномаси асос бўлади.

9. Чернобиль АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар. Имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш қатнашчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган, имтиёз берилиши учун асос бўлувчи бошқа ҳужжатлар асосида берилади.

10. Икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Имтиёз ҳар бир бола учун Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади.

11. Икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.

Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади.

12. Болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири. Имтиёз пенсия

гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, биргаликда яшашга тааллуқли қисмида - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида берилади.

Жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича солиқ имтиёзлари тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар календарь йили давомида вужудга келган тақдирда, имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Жисмоний шахс жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича солиқ қонунчилигида назарда тутилган бир нечта асос бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта имтиёз берилади.

Жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича назарда тутилган имтиёзни қўллаш жисмоний шахснинг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда -яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади.

Имтиёзга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, жисмоний шахс имтиёз йўқотилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

Жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича санаб ўтилган имтиёзлар жисмоний шахсларнинг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига ҳам татбиқ этилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёзни қўллаш асосий иш жойи бўйича

амалга оширилади, агар фоизлар ва дивидендлар асосий бўлмаган иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёз жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўлланилади. Шунга ўхшаш тартиб мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

4.Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ ставкалари

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ставка солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорни ифодалайди.

Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан тўланадиган солиқ ставкаларининг мунтазам равишда пасайтирилиб бориши Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидаги ислоҳатларнинг энг эътиборли жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

1998-1999 йилларда жисмоний шахслар даромадларидан солиқ беш поғонали 15%, 25%, 35%, 40% ва 45% шкала бўйича олинган бўлса, 2001-2011 йиллардан бошлаб учта поғонали шкала бўйича ундирилади. 2008 йилда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари қуйи ставка 13%, ўрта ставка 18% ва юқори ставка 25%, 2009 йилда эса жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари қуйи ставка 12%, ўрта ставка 17% ва юқори ставка 22%, 2010 йилда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари қуйи ставка 11%, ўрта ставка 17% ва юқори ставка 22%, 2011 йил жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари қуйи ставка 10%, ўрта ставка 16% ва юқори ставка 22% белгиланган бўлса, 2012 йилдан жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари қуйи ставка 9 %, ўрта ставка 16% ва юқори ставка 22% миқдорида белгиланди.

2- жадвал

2001-2012 йилларда даромад солиғининг ставкалари

<table>
<tr><th>Энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори</th><th>2001 йил</th><th>2002 йил</th><th>2003 йил</th><th>2004 йил</th><th>2005 йил</th><th>2006 йил</th><th>2007 йил</th><th>2008 йил</th><th>2009 йил</th><th>2010 йил</th><th>2011 йил</th><th>2012 йил</th></tr>
<tr><td>1 баробар</td><td rowspan="4">12%</td><td rowspan="4">13%</td><td rowspan="4">13%</td><td rowspan="4">13%</td><td rowspan="4">13%</td><td rowspan="4">13%</td><td rowspan="4">13%</td><td rowspan="6">13%</td><td rowspan="6">12%</td><td rowspan="6">11%</td><td rowspan="6">10%</td><td rowspan="6">9%</td></tr>
<tr><td>2 баробар</td></tr>
<tr><td>3 баробар</td></tr>
<tr><td>4 баробар</td></tr>
<tr><td>5 баробар</td><td rowspan="4">25%</td></tr>
<tr><td>6 баробар</td><td rowspan="6">23%</td><td rowspan="6">22%</td><td rowspan="6">21%</td><td rowspan="6">21%</td><td rowspan="6">20%</td><td rowspan="6">18%</td><td rowspan="6">18%</td><td rowspan="6">17%</td><td rowspan="6">17%</td><td rowspan="6">16%</td><td rowspan="6">16%</td></tr>
<tr><td>7 баробар</td></tr>
<tr><td>8 баробар</td></tr>
<tr><td>9 баробар</td><td rowspan="3">36%</td></tr>
<tr><td>10 баробар</td></tr>
<tr><td>10 баробаридан юқори</td><td>33%</td><td>32%</td><td>30%</td><td>30%</td><td>29%</td><td>25%</td><td>25%</td><td>22%</td><td>22%</td><td>22%</td><td>22%</td></tr>
</table>

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақининг суммаси).

Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарорига мувофиқ 2012 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қуйидаги миқдорда белгиланган:

3- жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

№	Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
1.	Энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 9 фоизи
2.	Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	Беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган сумманинг 16 фоизи
3.	Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган сумманинг 22 фоизи

Даромадларнинг алоҳида турларига солинадиган солиқ ставкалари

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади:

1.Баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффициентлар бўйича қўшимча тўловлар тариқасида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақига коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш пайтидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланади.

2.Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Меҳнат

шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари

Жисмоний шахснинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган даромадларига манбада чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

1.Дивидендлар ва фоизларга - 10 фоиз.

2.Денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташишларда фойдаланишдан олинадиган даромадлар. Ушбу даромадларга транспорт воситаларидан тўғридан-тўғри фойдаланишдан, уларни ижарага беришдан ёки ҳар қандай бошқа шаклларда фойдаланишдан, шу жумладан контейнерлардан, контейнерларни ташиш учун трейлерлар ва қўшимча ускуналардан фойдаланиш, уларни сақлаш ёки ижарага беришдан олинадиган даромадлар (фрахтдан олинадиган даромадлар) киради. Айрим ҳолларда фрахт (шартнома шартларидан келиб
чиқиб) юкни ортиш, қайта юклаш, тушириш ва жойлаштириш учун тўловларни ҳам ўз ичига олади. Бунда, агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташиш халқаро ташиш деб ҳисобланади.

Халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинадиган даромадларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) - 6 фоиз.

3.Интеллектуал мулк объектларига бўлган мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказганлик учун мукофот, ижара бўйича даромадларга ҳамда ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга шартномалар бўйича олинган бошқа даромадларга – 20 фоиз.

5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ни ҳисоблаш ва ушлаб қолиш тартиби

Тўлов манбаида солиқ солиш тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқарида содир этилганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

Календарь йил солиқ давридир. Йил чораги даромад тўлаш манбаидан жисмоний шахсларнинг даромад солиқларини ушлаб қолувчилар учун ҳисобот давридир.

1-масала. Ташкилот ходими А.А.Аҳмедовга 2011 йил январь ойида 245 000 сўм миқдорида иш ҳақи (даромад) ҳисобланган.

Энг кам иш ҳақининг миқдори 49 735 сўм.

2011 йил январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қандай тартибда ҳисобланади ?

Январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қуйидагича ҳисобланади:

245 000× 10 %=24500 сўм

Январь ойи учун фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пенсия бадалларининг миқдори 245 000× 1% = 2450 сўмни ташкил этади.

Январь ойи учун бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқнинг миқдори 24500- 2450= 22050 сўмни ташкил этади.

Ташкилот ходими А.А.Аҳмедовнинг январь ойи учун иш ҳақининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобланадиган суммаси 245 000 сўмни ташкил этади. Январь ойи учун Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган мажбурий суғурта бадаллари миқдори 11025 сўмни ташкил этади.(245 000 ×4,5%).

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Солиқ агентлари солиқ қонунчилигига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб

қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

<u>2- масала.</u> Ташкилот ходими С.С.Саидовга январь ойида 450 000 сўм миқдорида иш ҳақи (даромад) ҳисобланган.

Энг кам иш ҳақининг миқдори 49 735 сўм.

2011 йил январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қандай тартибда ҳисобланади?

Январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қуйидагича ҳисобланади:

(24867,5+(450 000-248675) × 16 %) = 24867,5+32212 = 57079,5сўм

Январь ойи учун фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пенсия бадалларининг миқдори 450 000× 1% = 450 0 сўмни ташкил этади.

Январь ойи учун бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқнинг миқдори 57079,5- 450 0=52579,5 сўмни ташкил этади.

Ташкилот ходими С.С.Саидовнинг январь ойи учун иш ҳақининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобланадиган суммаси 450 000 сўмни ташкил этади. Январь ойи учун Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган мажбурий суғурта бадаллари миқдори 20250 сўмни ташкил этади.(450 000×4,5%).

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Солиқ агентлари солиқ қонунчилигига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

<u>3-масала.</u>Ташкилот ходими В.В.Вохидовга январь ойида 600 000 сўм миқдорида иш ҳақи (даромад) ҳисобланган.

Энг кам иш ҳақининг миқдори 49 735 сўм.

2011 йил январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қандай тартибда ҳисобланади ?

Январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қуйидагича ҳисобланади:

(64655,5+(600 000-497350) × 22 %)=64655,5+22583= 87238,5сўм

Январь ойи учун фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пенсия бадалларининг миқдори 600 000 × 1% = 6000 сўмни ташкил этади.

Январь ойи учун бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқнинг миқдори 87238,5 - 6000= 81238,5 сўмни ташкил этади.

Ташкилот ходими В.В.Вохидовнинг январь ойи учун иш ҳақининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобланадиган суммаси 600000 сўмни ташкил этади. Январь ойи учун Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган мажбурий суғурта бадаллари миқдори 27000 сўмни ташкил этади.(600 000×4,5%).

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Солиқ агентлари солиқ қонунчилигига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

4-масала.Ташкилот ходими В.В.Вохидовга январь ойида 800 000 сўм миқдорида иш ҳақи (даромад) ҳисобланган.

Энг кам иш ҳақининг миқдори 49 735 сўм.

2011 йил январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қандай тартибда ҳисобланади ?

Январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қуйидагича ҳисобланади:

(64655,5+(800 000-497350) × 22 %)=64655,5+66583= 131238,5сўм

Январь ойи учун фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пенсия бадалларининг миқдори 800 000 × 1% = 8000 сўмни ташкил этади.

Январь ойи учун бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқнинг миқдори 131238,5 - 8000= 123238,5 сўмни ташкил этади.

Ташкилот ходими В.В.Вохидовнинг январь ойи учун иш ҳақининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобланадиган суммаси 600000 сўмни ташкил этади. Январь ойи учун Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган мажбурий суғурта бадаллари миқдори 36 000 сўмни ташкил этади.(800 000×4,5%).

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Солиқ агентлари солиқ қонунчилигига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

5-масала.Ташкилот ходими В.В.Вохидовга январь ойида 900 000 сўм миқдорида иш ҳақи (даромад) ҳисобланган.

Энг кам иш ҳақининг миқдори 49 735 сўм.

2011 йил январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қандай тартибда ҳисобланади ?

Январь ойи учун ундирилиш лозим бўлган даромад солиғи қуйидагича ҳисобланади:

(64655,5+(900 000-497350) × 22 %)=64655,5+88583= 153238,5сўм

Январь ойи учун фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пенсия бадалларининг миқдори 900 000 × 1% = 9000 сўмни ташкил этади.

Январь ойи учун бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқнинг миқдори 153238,5- 9000= 144238,5 сўмни ташкил этади.

Ташкилот ходими В.В.Вохидовнинг январь ойи учун иш ҳақининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобланадиган суммаси 900000 сўмни ташкил этади. Январь ойи учун Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган мажбурий суғурта бадаллари миқдори 40500 сўмни ташкил этади.(900 000×4,5%).

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Солиқ агентлари солиқ қонунчилигига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти юридик шахслар, фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳамда чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари зиммасига юклатилади.

Жисмоний шахсларнинг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги даромадлар киради:

1. Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари.

2. Моддий наф тарзидаги даромадлар.

3.Мулкий даромадлар, агар даромаднинг тўлов манбаи юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса.

4. Бошқа даромадлар, агар даромаднинг тўлов манбаи юридик шахс - Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон

Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса.

Меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахсга моддий наф тарзида даромад тўловчи солиқ агенти, жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолмасликка ҳақлидир.

Бунда жисмоний шахс моддий наф тарзидаги даромад бўйича декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаши шарт.
Тўлов манбаида солиқ солиш солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ агентлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ агентлари солиқ тўловчининг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларидан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини мазкур даромадлар ҳақиқатда тўланаётганда ушлаб қолишлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг ҳисобланган суммасини солиқ тўловчидан ушлаб қолиш солиқ агенти солиқ тўловчига тўлаётган ҳар қандай пул маблағлари ҳисобидан, мазкур пул маблағлари ҳақиқатда солиқ тўловчига ёки унинг топшириғига биноан учинчи шахсларга тўланаётганда амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши учун жавобгарлик даромад тўлаётган солиқ агентининг зиммасида бўлади. Мазкур солиқ суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агенти ушлаб қолинмаган суммани ҳамда у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши шарт.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш белгиланган солиқ солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб

чиққан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Ўз ходимларига моддий ёрдам кўрсатган ва совғалар берган солиқ агентлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини солиқ даврининг охирида амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади.

Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлари тўғрисида декларация топширган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ даврининг охирида амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инобатга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод қилиш назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан солиқ қонунчилигида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ қонунчилигида назарда тутилган имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар.

Солиқ агентлари жисмоний шахснинг талабига биноан унга даромадларининг суммалари ва турлари ҳақида, шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома беришлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг якуний суммаси жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ агентлари:

1. Солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида, асосий иш жойи бўйича даромадлар олган жисмоний шахслар бундан мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт, унда қуйидагилар акс эттирилади:

солиқ тўловчининг - жисмоний шахснинг идентификация рақами.

солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи манзили.

ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси.

солиқ агентининг идентификация рақами.

солиқ агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили).

2. Йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан қуйидаги муддатларда тўланади:

пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда. Иш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда солиқни тўлаш амалга оширилмайди.

тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида, агар бундай тўловга қонун ҳужжатларида рухсат берилган бўлса.

Агар юридик шахснинг банк ҳисобварағида иш ҳақини тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларни бюджетга ўтказиш учун маблағлар етарли бўлмаса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи банк ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларга мутаносиб суммада бюджетга ўтказилади.

Қисқача хулосалар

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичи давлат бюджети даромадларини шакллантириш жараёнлари солиқ муносабатлари орқали тавсифланади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Ўзбекистон Республикаси солиқ тизмининг бир бўғини ҳисобланиб, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган солиқ сиёсати мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига сезиларли тарзда таъсир этади.

Шунингдек, солиқлар давлатнинг барча давлат миқёсидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган асосий молиявий манбалардан бири бўлиб, мамлакат иқтисодий тараққиётида ва белгиланган ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий воситадир. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи умумдавлат солиғи ҳисобланиб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий ўрин тутади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўловчилар бўлиб кимлар ҳисобланади?

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солиш объектига нималар киради ?
3. Жисмоний шахсларнинг жами даромади таркиби нималардан иборат ?
4. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга нималар киради ?
5. Мулкий даромадлар қандай даромадлардан иборат ?
6. Моддий наф тарзидаги даромадлар бўлиб қандай даромадлар ҳисобланади?
7. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича қандай солиқ имтиёзлари жорий этилган ?
8. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича қандай солиқ ставкалари белгиланган ?
9. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш тартиби қандай ?

Тестлар

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўловчилар:

А. Солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

Б. Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

В. Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган корхоналар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

Г. Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган илмий ходимлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

Д. Солиқ солинадиган харажатга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

2. Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари солиқ солиш объекти:

А.Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган харажатлари.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Б.Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган харажатлари.

В.Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Г.Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган дивидентлари.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Д.Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган фоизлари.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган дивидентлари.

3. Жисмоний шахсларнинг жами даромадига қуйидагилар киради:

А. 1) Биржага ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар.

2) Мулкий даромадлар.

3) Моддий наф тарзидаги даромадлар.

4) Бошқа даромадлар.

Б. 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар.

2) ижара даромадлар.

3) моддий наф тарзидаги даромадлар.

4) бошқа даромадлар.

В. 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар.

2) мулкий даромадлар.

3) дивиденд тарзидаги даромадлар.

4) бошқа даромадлар.

Г. 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар.

2) мулкий даромадлар.

3) моддий наф тарзидаги даромадлар.

4) бошқа даромадлар.

Д. 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар.

2) мулкий даромадлар.

3) моддий наф тарзидаги даромадлар.

4) бошқа даромадлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси қарорига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 10%, 16%, 22% миқдорда белгиланган.

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон Қарори

Б.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли Қарори

В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон Қарори

Г. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги 532-сонли қарори.

Д. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090 Қарори

5. Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга ким томонидан тўланади ?

А. Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ маслаҳатчиси томонидан тўланади.

Б. Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан тўланади.

В. Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ органлари томонидан тўланади.

Г. Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ ходими томонидан тўланади.

Д. Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ тўловчи томонидан тўланади.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори
5. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил
6. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т:.Шарқ, 2009. 448 бет.
7. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –T.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.
8. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
9. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
10. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.

11. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.

3-МАВЗУ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

1.Тадбиркорлик фаолияти хақида тушунча

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Якка тартибдаги тадбиркорлик -юридик шахс ташкил этмаган холда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ, туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини қуйидаги:

эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик.

оддий ширкат.

юридик шахс ташкил этмаган холда деҳқон хўжалиги шаклларида амалга оширишлари мумкин.

Эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлик оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади.

Жисмоний шахслар фақат якка тартибдаги тадбиркорлар тариқасида давлат рўйхатидан утганларидан кейин улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин.

Дехкон хўжалиги ва оддий ширкатни тузиш, уларнинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ, муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қуйидагиларга ҳақли:

қонун хужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш.

мустакил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш.

тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кура тасарруф этиш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавкени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно.

ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари:

ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари.

ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари.

хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари.

реализация қилинадиган товарлар учун қонун хужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари.

почта манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор кил ишлари.

ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари шарт.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар хам бўлиши мумкин.

2.Жисмоний шахсларни якка тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, эмас деган важ билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиш мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан конунга хилоф деб топилган тақдирда улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайдилар ва маънавий зарар учун товон тўлайдилар.

Лицензияланиши лозим бўлган тадбиркорлик фаолиятининг турлари қонунлар билан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки асосида ва жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳуқуқларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади.

Жисмоний шахс ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузаётганида, агар бунинг моҳияти тузилаётган битимнинг мазмунидан аниқ, келиб чиқмаса, якка тартибдаги тадбиркор тариқасида ҳаракат қилаётганлигини кўрсатиши лозим.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий иш ҳужжатлари бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлигидан далолат бериши лозим.

3.Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар ва солиқ солинадиган объект

Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади.

Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фаолиятнинг қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган қисмига доир солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган объектдир. Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган

кунлари сонидан қатъи назар солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

4.Қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарорига мувофиқ 2012 йилда қатъий белгиланган солиқ ставкалари қуйидаги миқдорда белгиланган:

4-жадвал

Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари

№	*Фаолият тури*	*Тўловчилар*	*Мазкур фаолият турини характерловчи физик кўрсаткичлар*	*Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақига бирлик учун каррали миқдорларда)*		
				Тошкент ш.	*Нукус ш. ва вилоят бўйсунуви-даги шаҳарлар*	*бошқа аҳоли пунктлари*
1.	Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш	юридик шахслар	эгаллаган майдон (1 кв. метр)	0,1	0,09	0,06
2.	Болалар ўйин автоматлари	юридик ва жисмоний шахслар	жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)	3,0	2,0	1,0

5-жадвал

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари

N	**Фаолият тури**	***Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш ҳақига каррали миқдорларда)***		
		Тошкент шаҳри	***Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаги Шаҳарлар***	***бошқа аҳоли пунктлари***
1.	Чакана савдо:			
	озиқ-овқат товарлари билан	9,0	6,0	3,0
	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан*	5,0	4,0	2,0
	ноозиқ-овқат товарлари билан	10,0	6,5	3,0
	озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан (турғун шохобчалардаги аралаш савдо)	10,0	6,5	3,0
2.	Маиший хизматлар, 3-бандда кўрсатилганларидан ташқари	3,5	1,5	0,5
3.	Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар	4,0	2,0	1,0
4.	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш	2,0	1,5	1,0
5.	Бошқа фаолият турлари	2,0	1,5	1,0
6.	Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар:			
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	2,0		
	8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	3,0		
	8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	4,0		

Солиқ даври - бир ой.

Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

янги ташкил қилинаётган (бошловчи) солиқ тўловчилар томонидан – давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай.

фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан - ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

Солиқ солиш объекти ва иш ҳақининг энг кам миқдори ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш:

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25- кунидан кечиктирмай ҳар ойда, солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қилса, қатъий белгиланган солиқ энг юқори ставка бўйича тўланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ солинадиган мол-мулкка ва ер участкасига эга бўлсалар, солиқ қонунчилигида назарда тутилган тартибда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган келгуси иш куни

тугагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида тақдим қилинган ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида даромадларнинг ҳамда амалга оширилган товар операцияларининг ҳисобини юритишлари шарт.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари қуйидагилардир:

чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари.

Товар чеклари дафтари.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорни солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари охирги ёзув киритилган пайтдан эътиборан беш йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сақланади ва улар рақамланган, ип ўтказиб боғланган ҳамда

тегишли давлат солиқ хизмати органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, бундан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно, - йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан - ҳар ойнинг якунлари бўйича ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солиқ тўловчининг фаолиятни амалга ошириш жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

Фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25- кунидан кечиктирмай ҳар ойда, солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қилса, қатъий белгиланган солиқ энг юқори ставка бўйича тўланади.

Қисқача хулосалар

Солиқлар иқтисодиётнинг таянчи бўлгани каби, якка тартибдаги тадбиркорлик ҳам бозор иқтисодиётининг таянчи бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий ислоҳатларнинг дастлабки ва энг муҳим негизи якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат. Иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, якка тартибдаги тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарорлигини таъминловчи омиллардан биридир.

Республикада кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида бир қатор қонун хужжатлари қабул қилинди. Ўз ўринда ушбу механизмни рағбатлантирувчи бир қатор фармонлар, қарор ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Лекин жамиятимиз бозор қонунлари асосида ривожланиб бораётган иқтисодиётимизда тадбиркорлик муҳитини мунтазам ўрганиб бориш жараёнида яхшилаб бориш зарурияти доимо мавжудлигини англаб етмоқ муҳимдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш муаммосидир. Энг мақбул солиққа тортиш тизимини ишлаб чиқган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига таъсир қилиш, тадбиркорликнинг тараққий этишига ёрдам бериш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бориш бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳам, ундан кейин ҳам давлатнинг бош мақсади бўлиб қолаверади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси қандай маънони англатади ?
2. Жисмоний шахсларни якка тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай ?
3. Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар кимлар ва солиқ солинадиган объектга нималар киради ?
4. Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ бўйича қандай солиқ ставкалари белгиланган ?

5. Жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ бўйича қандай солиқ ставкалари белгиланган ?
6. Қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай амалга оширилади ?

Тестлар

1. Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик):

А. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

Б. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида кредит олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

В. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўз мулкий жавобгарлиги остида мулкни ижарага олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

Г. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида солиқ имтиёзи олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

Д. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида фоиз олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

2. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари):

А. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Б. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

В. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган банк ходимлари.

Г. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган микрофирмалар.

Д. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган кичик корхоналар.

3. Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар:

А. Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади.

Б. Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи фуқаролар ҳисобланади.

В. Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи банк ходимлари ҳисобланади.

Г. Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи брокерлар ҳисобланади.

Д. Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи кредит кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади.

4. Қатъий белгиланган солиқ бўйича солиқ солинадиган объект.

А. белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич

Б. белгиланган фаолият турини тавсифловчи молиявий кўрсаткич

В. белгиланган фаолият турини тавсифловчи фоиз кўрсаткич

Г. белгиланган фаолият турини тавсифловчи механик кўрсаткич

Д. белгиланган фаолият турини тавсифловчи кредит кўрсаткич

5. Солиқ солинадиган база қандай белгиланади ?

А. физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда

Б. механик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда

В. молиявий кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда

Г. кредит кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда

Д. фоиз кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори
5. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил
6. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т:.Шарқ, 2009. 448 бет.
7. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –T.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.
8. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
9. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
10. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.
11. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.

4-МАВЗУ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ ЙИЛЛИК ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ ТАРТИБИ

1.Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар таркиби

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари киради:

мулкий даромадлар, бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса.

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар.

асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар.

икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар.

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди

Ўзбекистон Республикаси резидентига айланган чет эллик жисмоний шахс, жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни, доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин.

2.Муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадларга солиқ солиш

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида даромадлар олувчи

жисмоний шахслар бундай фаолиятни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Солиқ қонунчилигига мувофиқ даромадларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини давлат солиқ хизмати органининг ёзма хабарномаси асосида тўлайди.

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган жисмоний шахс даромадлар олиш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда у ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, ҳақиқатда қилинган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш ҳуқуқига эга, бироқ чегирма олинган жами даромад суммасининг
30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва улардан фойдаланиш учун зарур материаллар олишга доир харажатлар.

фақат фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр қилиш, ижро этиш ёки улардан бошқача тарзда фойдаланиш мақсадида фойдаланиладиган бино ва мол-мулк ижарасига доир харажатлар.

3.Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосий иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги маълумотнома илова қилинади.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жинси, фуқаролиги, доимий яшаш жойи манзили.

солиқ тўловчининг идентификация рақами.

солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар турларга ажратиб кўрсатилган ҳолда олинган жами йиллик даромад (бир марталик операциялардан ҳамда мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадларни декларация қилиш учун фақат ушбу операцияларнинг ўзидан олиш мўлжалланаётган даромад акс эттирилади).

даромадларнинг манбалари.

даромад олиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларнинг суммалари.

жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар.

ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси.

ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларация қилиш билан боғлиқ бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация бланкалари солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан бепул берилади.

Жисмоний шахс тақдим этган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда тўланиши лозим бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасининг камайишига олиб келувчи хатолар аниқланган тақдирда, жисмоний шахс декларацияга зарур ўзгаришлар киритиши шарт.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддати тугагунига қадар берилса, солиқ тўловчи солиқ қонунчилигида белгиланган жавобгарликдан озод қилинади.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддати тугаганидан кейин, бироқ хатолар давлат солиқ хизмати органи томонидан аниқлангунига қадар берилса, солиқ тўловчи солиқнинг етишмаётган суммасини ҳамда унга тегишли пеняни тўлаган тақдирда, жавобгарликдан озод этилади.

Жисмоний шахс давлат солиқ хизмати органининг тақдим этилган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда аниқланган хатолик тўғрисидаги билдиришномасини олган кун давлат солиқ хизмати органи томонидан хатолик аниқланган кун деб ҳисобланади.

4.Даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш ва тўлаш тартиби

Солиқ тўловчилар даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ўтган солиқ даври учун даромадлар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача декларация тақдим этади.

Чет эллик жисмоний шахс - Ўзбекистон Республикасининг резиденти солиқ солиниши лозим бўлган даромад келтираётган фаолиятини календарь йили ичида тугатган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда жорий солиқ даврида ҳақиқатда олган даромадлари тўғрисидаги декларация мазкур жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетишидан бир ой аввал тақдим этилиши лозим. Агар чет эллик жисмоний шахс - Ўзбекистон Республикасининг резиденти жорий йилнинг 1 февралига қадар доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётган бўлса, жорий йил учун даромадлар бўйича декларация тақдим этилмайди.

Тақдим этиш тартиби даромадлар тўғрисидаги декларация бўйича ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқни тўлаш декларация топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида амалга оширилади.

Грант олган жисмоний шахс даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшираётганда грант бўйича олинган даромад суммасини, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи миқдорини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг тегишли хулосасини кўрсатади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс белгиланган тартибда даромадлар тўғрисидаги қуйидаги декларацияларни тақдим этади:

дастлабки декларацияни - шундай даромадлар юзага келган кундан эътиборан бир ой ўтгач, беш кунлик муддатда, бу даромадларга жисмоний шахслар даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ солинмаган бўлса.

якуний декларацияни - ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома топширишга ҳақлидир. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.

Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар

ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 15 мартигача солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тўланган сана қуйидагилардир:

юридик шахслар ёки жисмоний шахслар томонидан банкдаги ҳисобварағидан тўлангани тақдирда - уларнинг банкдаги ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун.

жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари киритилган тақдирда – банк кассасига маблағлар тўланган сана.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак.

Резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқни ҳисобга олиш

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган, жисмоний шахслардан - Ўзбекистон Республикасининг резидентларидан олинадиган даромад солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисобга олиш учун чет давлат ваколатли органининг маълумотномаси ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асос бўлади.

5.Чет эллик жисмоний шахсларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳисобга олинган ҳолда, солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солинади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш ўзаролик принципи бўйича тугатилиши ёки чекланиши мумкин.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳлар киритилишига рухсат берилмайди.

Чет эллик жисмоний шахснинг - Ўзбекистон Республикаси резидентининг даромадларига солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджетга тўланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг бундай норезиденти тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ мажбурияти бўйича даъво муддати мобайнида бюджетдан қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бунда Ўзбекистон Республикаси норезиденти жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ёки унинг суммасини камайтириш тўғрисидаги илтимос баён этилган аризани, шунингдек қуйидаги ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органига тақдим этади:

у Ўзбекистон Республикаси билан иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисида халқаро шартномага эга бўлган давлатнинг резиденти эканлигини расмий жиҳатдан тасдиқловчи ҳужжатни.

олинган даромадларни тасдиқловчи ҳужжатни.

ушбу Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикасидаги

манбалардан олинган даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги тегишли хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган ҳужжатни.

Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органи аризани уч ой муддатда кўриб чиқади ва ҳужжатлар ишончли бўлган тақдирда, солиқ қонунчилигида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг норезидентига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини бюджетдан қайтаради.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ғайриқонуний қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органи Ўзбекистон Республикаси норезидентига асосланган рад жавобини юборади.

Қисқача хулосалар

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш жараёнлари солиқ муносабатлари орқали тавсифланади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Ўзбекистон Республикаси солиқ тизмининг бир бўғини ҳисобланиб, жисмоний шахсларни йиллик даромадларини декларациялаш тартиби Республика бюджети даромадларини шакллантиришда асосий ўрин тутади.

Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи умумдавлат солиғи ҳисобланиб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жисмоний шахсларни йиллик даромадларини декларациялаш тартиби қандай ?
2. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар таркиби нималар киради?
3. Муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадларга солиқ солиш тартиби қандай ?
4. Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация қандай расмийлаштирилади ?

5. Даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш ва тўлаш тартиби қандай ?
6. Чет эллик жисмоний шахсларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ?

Тестлар

1.Ўзбекистон Республикаси резидентига айланган чет эллик жисмоний шахс жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни қачон тақдим этади ?

А. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади

Б. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 апрелидан кечиктирмай тақдим этади

В. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 апрелидан кечиктирмай тақдим этади

Г. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 апрелидан кечиктирмай тақдим этади

Д. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 апрелидан кечиктирмай тақдим этади

2. Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация :

А. Солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади.

Б. Солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги кредит аризасидан иборат бўлади.

В. Солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги тўлов аризасидан иборат бўлади.

Г. Солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги мурожатидан иборат бўлади.

Д.Солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги оғзаки аризасидан иборат бўлади.

3. Солиқ тўловчилар даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни қачон тақдим этади ?

А. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади

Б. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январдан кечиктирмай тақдим этади

В. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралдан кечиктирмай тақдим этади

Г. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 декабрдан кечиктирмай тақдим этади

Д. Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июндан кечиктирмай тақдим этади

4. Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация бланкалари солиқ тўловчиларга қандай тартибда берилади ?

А. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бепул берилади.

Б. Давлат божхона хизмати органлари томонидан бепул берилади.

В. Давлат статистика органлари томонидан бепул берилади.

Г. Марказий банк томонидан бепул берилади.

Д. Суғурта ташкилотлари томонидан бепул берилади.

5. Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация қандай тарзида тақдим этилиши мумкин ?

А.Почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Б. Банк орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

В.Божхона орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Г.Суғурта ташкилотлари орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Д.Молия органлари орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори
5. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил
6. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т:.Шарқ, 2009. 448 бет.
7. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –T.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.
8. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
9. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
10. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.
11. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.

5-МАВЗУ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЭГАЛИК ҲУҚУҚИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТГА УНДИРИШ

1.Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар ва солиқ солиш объекти

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган шартли қиймати солиқ солинадиган базадир.

Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича тўловчи бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

2.Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинмайди:

1."Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Мазкур имтиёз тегишинча "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади.

2.1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади.

3. Ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларнинг. Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади.

4.Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқароларнинг (шу жумладан у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахсларнинг). Мазкур имтиёз тегишинча тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилган, имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади.

5.Қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади.

6. I ва II гуруҳ ногиронларининг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

7. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки харбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган харбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналарининг ва бева хотинларининг (бева эрларининг). Имтиёз "Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)" ёки "Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)" штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик кўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки харбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади.

Солиқ имтиёзлари мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади. Солиқ имтиёзлари жисмоний шахслар томонидан

тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

3. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ солиш объектлари жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилган ёхуд улар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарорига мувофиқ 2012 йилда жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари қуйидаги миқдорда белгиланган:

6-жадвал

Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси

N	*Солиқ солинадиган объектларнинг номи*	*Мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан солиқ ставкаси (%да)*
1.	Турар жойлар, квартиралар (шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв. м дан ошиқ бўлганлари бундан мустасно), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар	0,9
2.	Шаҳарларда жойлашган умумий майдони қуйидагича бўлган турар жой ва квартиралар:	
3.	200 кв. м дан ошиқ ва 500 кв. м гача бўлган	1,1
4.	500 кв. м дан ошиқ бўлган	1,35

1. Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича органлар белгилаган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18 480,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда - 8 030,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

2. Солиқ солинадиган мол-мулкка эгалик қиладиган пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган умумий майдон 60 кв. м ҳажмида белгиланади.

3. Жисмоний шахслар томонидан турар жой фонди объектлари нотурар жой фонд тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотурар жой фонди объектлари (бинолар, бинодаги хоналар) мулк сифатида харид қилинганда жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

4.Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар йили 1февралгача объектнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматини ва унинг мулкдорини кўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади.

Солиқ имтиёзларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар имтиёзларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этадилар.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бир нечта мулкдорнинг умумий улушли мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдорларнинг ҳар бири томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мулкига

солинадиган солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошланишига қадар, янги мулкдор томонидан эса унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ улар барпо этилган йилдан кейинги йил бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига

солинадиган солиқ меросхўрларда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган, бузиб ташланган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тўхтатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик, бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

Календарь йил мобайнида имтиёз ҳуқуқи вужудга келган (амал қилиши тугаган) тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (амал қилиши тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш тенг улушларда бир йилда икки марта амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 15 июнига қадар.

ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

Қисқача хулосалар

Маҳаллий солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунга келиб маҳаллий солиқлар таркибида мол-мулк солиғини солиқлар тизимида бошқа солиқ турлари каби давлат бюджети даромадларида, хусусан, маҳаллий бюджет даромадлари шакллантиришда тутган ўрни ва аҳамиятини ошириш асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи ва мол-мулкни солиққа тортиш механзми муаммолари назарий жиҳатидан ўрганиб чиқиш ва солиқ амалиётида улардан самарали фойдаланиш жараёнида ижобий силжишлар рўй бермоқда, лекин бунга қарамасдан бу соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар мавжуд.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ундириш қандай амалга оширилади ?
2. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар кимлар ва солиқ солиш объекти нималар киради ?
3. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича қандай имтиёзлар жорий этилган ?
4. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ?
5. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай ?

Тестлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси қарорига мувофиқ 2012 йилга жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари. 0,9. 1,1.1,35 фоиз миқдорда белгиланган?

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон Қарори

Б.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли Қарори

В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон Қарори

Г. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон Қарори

Д. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090 Қарори

2. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилар:

А. Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Б. Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган юридик шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

В. Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган кичик корхоналар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Г. Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган суғурта ташкилотлари, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Д. Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган тадбиркорлар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик

шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

3. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солиш объекти:

А. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

Б. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, ер участкалари, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

В. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хизмат юзасидан берилган чек ерлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

Г. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари., иншоотлар солиқ солиш объектидир.

Д. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

4. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган база:

А. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир

Б. Кредит ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир.

В. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг асосий қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир.

Г. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш субъектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир

Д. Ер майдонига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир

5. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш тенг улушларда бир йилда икки марта амалга оширилади:

А. Ҳисобот йилининг 15 июнига ва ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

Б. Ҳисобот йилининг 15 июлига ва ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

В. Ҳисобот йилининг 15 августига ва ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

Г. Ҳисобот йилининг 15 июнига ва ҳисобот йилининг 15 ноябрига қадар.

Д. ҳисобот йилининг 15 февралига ва ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори
5. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига

бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил

6. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т:.Шарқ, 2009. 448 бет.
7. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –T.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.
8. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
9. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
10. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.
11. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.

6-МАВЗУ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ

1.Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар ва солиқ солиш объекти

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади.

Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Уй-жой, яшаш учун мўлжалланмаган иморат ва иншоотлар мерос бўйича ўтиши билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтган ер участкалари учун ер солиғи мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда меросхўрлардан ундирилади.

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объектидир:

1.Деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари.

2.Якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари.

3.Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари.

4.Хизмат юзасидан берилган чек ерлар.

5.Мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

6.Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари.

7.Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкаларининг майдонига доир маълумотлари солиқ солинадиган базадир.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкаларининг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Хизмат юзасидан берилган чек ерларнинг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ўз ходимларига ер участкалари берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади.

2. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари

Ер солиғидан қуйидагилар озод қилинадилар:

1.Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари.

2."Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади.

3.1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланадиган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар.

Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади.

4.I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

5.Ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг малумотномаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади.

6.Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади.

7.Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар). Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар
асосида берилади.

8.Шахсий пенсия тайинланган шахслар.

9.Кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача.

10.Шахслар - уларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича - ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга.

3.Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслардан юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда уларга солиқ имтиёзлари татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарорида жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари белгиланган.

4.Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаш тартиби

Календарь йил солиқ давридир. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Давлат солиқ хизмати органлари ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

Солиқ қонунчилигида кўрсатилган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ имтиёзларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этади.

Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Йил мобайнида ер участкаси майдони ўзгарганда ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганида (бекор қилинганда) давлат солиқ хизмати органлари мазкур ўзгаришлардан кейин бир ой ичида ер солиғини қайта ҳисоб-китоб қилишлари ҳамда солиқ тўловчига ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари керак.

5. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш тартиби

Ер солиғи ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади.

Йил мобайнида ажратилган ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслар томонидан ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади.

Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, ер солиғини тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади).

Ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёз ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланмайди. Ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар бекор қилинган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди.

Белгиланган тартибда берилган ер участкалари учун ер солиғи ер участкасидан фойдаланиш фактидан қатъи назар, жисмоний шахслар томонидан тўланади. Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан йилига икки марта тенг улушларда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 15 июнига қадар.

ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

Қисқача хулосалар

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи маҳаллий солиқлардан бири бўлиб, маҳаллий бюджет даромадларини шаккллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ер мулкчилигини амалга оширишнинг асосий иқтисодий шакли ер солиғи ҳисобланади. Республикамизда мавжуд ерларнинг сифатини яхшилаш, ерлардан самарали фойдаланиш ва солиқ тизимида ислоҳатлар амалга оширилаётган бир шароитда солиқ муносабатлари, солиққа тортиш услублари, маҳаллий солиқларни режалаштириш, мавжуд маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича солиқ муносабатларини ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар кимлар ҳисобланади ?
2. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи солиқ солиш объектига нималар киради ?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қандай солиқ имтиёзлари белгиланган ?
4. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ?
5. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаш тартиби қандай ?
6. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини қандай тўлаш муддатлари белгиланган ?

Тестлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси қарорига мувофиқ 2012 йилга ер солиғи ставкалари белгиланган?

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090 Қарори

Б.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли Қарори

В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон Қарори

Г. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги 532-сонли қарори

Д. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон Қарори

2. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар:

А. Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир.

Б. Молия ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир.

В. Суғурта ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир.

Г. Бюджет ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир.

Д. Банк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир.

3. Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга ким томонидан ва қачон топширилади ?

А. Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Б. Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 10 майдан кечиктирмай топширилади.

В. Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 15 майдан кечиктирмай топширилади.

Г. Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга молия органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Д. Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат статистика органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

4. Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан йилига икки марта тенг улушларда амалга оширилади:

А. Ҳисобот йилининг 15 июнига ва ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

Б. Ҳисобот йилининг 15 июлига ва ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

В. Ҳисобот йилининг 15 июнига ва ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар.

Г. Ҳисобот йилининг 15 майига ва ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

Д. Ҳисобот йилининг 15 апрелига ва ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

5.Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ким томонидан амалга оширилади ва ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини ким юритади?

А. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Давлат солиқ хизмати органлари ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

Б. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш давлат статистика органлари томонидан амалга оширилади. Давлат статистика органлари ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

В. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш молия органлари томонидан амалга оширилади. Молия органлари ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

Г. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш банклар томонидан амалга оширилади. Банклар ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

Д. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Суғурта ташкилотлари ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори
5. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил
6. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т:.Шарқ, 2009. 448 бет.
7. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –T.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.

8. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
9. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
10. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.
11. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.

7-МАВЗУ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚКА ТОРТИШНИНГ ЧЕТ ЭЛ АМАЛИЁТИ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚЛАР

1.Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимда жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар

Ривожланган хорижий мамлакатлар солиқ тизими моделларини ўзига хусусиятлари билан бирга ўхшашликлар мавжуд бўлиб, улар бири биридан фарқ қилади ҳозирги кунда қуйидаги асосий моделларга ажратишимиз мумкин:

1.Ностандарт моделлар.

Ностандарт моделлар - асосан кичик давлатларда, эркин иқтисодий ҳудудларда ва бошқа давлатларда амал қилади.

2.Европа модели.

Европа модели - европадаги мамлакатлардаги солиқ амалиётидаги ягона ёндашув ва андозалар, солиқ маъмурчилигидаги бир хиллик ва иш принциплари.

3.Япония модели.

Япония модели- марказлашган молия, солиқорганлари, банклар,божхона органлари тизимларини мавжудлиги,мамлакатга ва компанияга содиқлиги, қуйидан юқорига қараб бошқарув механизмининг тузилганлиги ва уларга тўлиқ риоя қилиниши.

4.Америкача модел.

Америка модели-- солиққа тортиш тизимининг мураккаблиги солиқ хизмати органларида бошқарув ва ижро аппаратининг ходимлари кўплигининг мавжудлиги, солиқ органлари марказлашмаганлиги, кичик бизнеснинг даромадларини назорат қилиш механизмининг самарасизлигидан иборат.

7- жадвал

Хорижий мамлакатларда жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг турлари

АҚШ	Ахолидан олинадиган даромад солиғи	Мерос ва хадяга солинадиган солиқлар	Мол – мулкка солинадиган солиқлар	Автотранспорт эгаларидан олинадиган солиқ			
Япония	Яшаш учун солиқ	Жисмоний шахслар даромадларига солиқ	Автотранспорт воситалари учун солиқ	Мерос ва хадя солиғи	Ер эгалиги учун солиқ	Мол - мулк солиғи	Ер солиғи
Буюк Британия	Аҳолидан олинадиган даромад солиғи	Меросдан олинадиган солиқ	Мол -мулк солиғи				
Канада	Ахолидан олинадиган даромад солиғи	Тадбиркорлик солиғи	Хадялардан олинадиган солиқлар	Кўчмас мулк солиғи			
Германия	Иш ҳақига солинадиган даромад солиғи	Автомобил эгаларидан олинадиган солиқ	Ҳунармандчилик солиғи	Мол-мулк солиғи	Мерос ва хадядан олинадиган солиқ	Ер солиғи	
Франция	Иморат қурилган участкаларга солинадиган ер солиғи	Иморат қурилмаган участкаларга солинадиган ер солиғи	Уй -жойга солинадиган солиқ	Касб солиғи	Жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ	Мерос ва хадяга солинадиган солиқ	Имора тларни сотишдан солиқ.
Италия	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Автотранспорт солиғи	Кўчмас мулк қийматининг ошганлиги учун солиқ				

2.Ривожланаётган мамлакатлар солиқ тизимида жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар

Болгарияда жисмоний шахслар даромад солиғини резидент ва норезидентлар тўлайдилар. Жисмоний шахсларни солиққа тортиладиган даромади таркибига иш хақи ва бошқа фаолиятдан олинган даромадлар киради:

1.Ишбилармонликдан даромадлар.

2. Ҳизмат кўрсатишдан даромадлар.

3. Мол-мулкдан даромадлар.

4.Валюта операциялардан олинган даромадлар

5. Мукофотлар.

Банкдан олинган омонатлар,қишлоқ хўжалигидан олинган даромадлар 5 йил муддатга,санаткорлар ва олимларга чет элдан олган даромадлари, ижтимоий тўловлар, болалар учун дотациялар, спорт мусобақаларидан ютуқлар бўйича мукофот пуллари солиққа тортилмайди.

Жисмоний шахсларни даромадини солиққа тортишда қуйидаги шкала

ассосида ҳисобланади:

1. 960 гача 0%
2. 960 дан - 1380 гача 20%
3. 1380 дан – 4560 гача 84 лев + 26 %
4. 4560 дан -16800 гача 910.8 лев+ 32%
5. 16800 дан ошса 4843.2 лев + 40%

Жисмоний шахслар томонидан декларация 15 апрелгача тақдим этилади ва тўлов муддати 15 майгача амалга оширилади. Агар солиқ суммаси муддатидан олдин тўланса солиқ суммаси 2%га камайтирилади.

Болгарияда хадя солиғи ундирилмайди. Лекин меросдан солиқ ундирилади.

Йўл солиғини автотранспорт воситалари, тракторлар, юк машиналари ва бошқа машиналарнинг эгаларидан ундирилади. Йўл солиғи тўловчилари бўлиб автотранспортнинг эгалари ҳисобланади.

Транспорт воситаларидан солиқ тўловчилари юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Транспорт солиғи обьекти бўлиб енгил ва юк машиналари, автобуслар. кемалар, тракторлар ва самолётлар ҳисобланади. Солиқ тўлов муддати бир йилда бир марта иккига бўлиб тенг улушларда 31 март ва 31 сентябргача тўланади. Агар солиқ суммаси биринчи тўлов муддатида тўлалигича тўланса, солиқ суммаси 5% га камайтирилади.

Испанияда 13 млн.га яқин киши даромад солиғи тўлайди. Даромад солиғи ҳақидаги қонун 1991 йилда киритилган ва тузатишлар билан амал қилмоқда. Фуқаролардан олинадиган даромад солиғи индивидуал (якка тартиб) фуқаролардан ёки оилалардан ундирилади. Солиқни тўлаш тартибини унинг (якка тартибда) индивидуал тарзда фуқаролардан ёки ундирилишини танлаш солиқ тўловчининг ўзига ҳавола этилади. Умумий оилавий ҳуқуқий асосида эр-хотин алоҳида-алоҳида солиқ деклорациялари топширган тақдирларида солиқ солиш мақсадида улар ўртасида тенг бўлиб ҳисобланади.

Мерос ва ҳадя солиғи резидентлар ва норезидентларга таалуқли. Солиқ ставкалари топшириладиган мол – мулк қиймати ва қариндошлик даражасига боғлиқ бўлади. Энг паст ставка 7%ни ташкил этади ва 34,0%га қадар ошади.

Мол – мулк солиғи. Испанияда мол – мулки бўлган жисмоний шахслардан ҳар йили ундирилади. Резидентлар мол – мулкнинг қаердалигидан қатьий назар унинг бутун суммасидан, норезидентлар эса фақат Испаниядаги мол – мулк бўйича солиқ тўлайдилар. Солиқ резидентларнинг мол – мулки суммаси 15 млн. песетдан ошган тақдирдагина
тўланади (норезидентларга бу қоида таалуқли эмас) солиқ ставкалари мол – мулк қийматнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, умумий қиймат суммасининг 0,2% дан 2,5% гача миқдорда белгиланган.

Ер участкаси бошқа шахсга топширилган ҳолларда қўлланилади. Ер участкаси кадастр қийматининг уни сотиб олган вақтдан то бошқа мулкдорга сотилгунча бўлган даврдаги ўзгариши солиққа тортиладиган база бўлиб ҳизмат қилади. Солиқ кўчмас мулк сотилган ёки бегоналаштирилган тақдирда (сотувчи мулкка 20 йилдан кам эгалик қилган бўлса) ундирилади. Солиқ ставкаси муниципалитетлар томонидан белгиланади ва 16,0дан 30,0%гача ораликда ўзгаради.

Механик автотарнспорт воситаларига солиқ солиш объекти шундай воситага эгалик қилиш. Ставкаси воситанинг тури ва қувватига боғлиқ бўлади.

Мерос бўлиб ўтадиган ва ҳадя қилинадиган мол-мулк солиғини резидентлардан ҳам, шунингдек, мол-мулк Испанияда бўлса, норезидентлардан ҳам ундирилади. Солиқ куйидагиларга солинади:

- мерос сифатида бериладиган ёки ҳадя қилинадиган мол-мулк.
- меросхўр олган суғурта суммалари.

Мол-мулкнинг қиймати ва суғурта суммалари солиққа тортиладиган база бўлиб ҳизмат қилади. Шулардан қонунда кўзда тўтилган чегирмалар амалга оширилади.

Агар бевосита меросхўр 21 ёшдан ошган бўлса, солиққа тортилдаиган базадан 2470 минг песет чиқариб ташланади. Агар бевосита меросхўр 21 ёшга етгунча бўлган ҳар бир йил учун 617 минг песет чегириб ташланади (лекин, чегирмаларнинг умумий суммаси 7408 минг песетдан ошмаслиги керак).

Иккинчи ва учинчи даражали меросхўрлар солиққа тортиладиган суммани 1235 минг песет миқдорида камайтириш ҳуқуқига эга.

Қариндошлик даражаси янада узоқроқ бўлган меросхўрларга чегирма берилмайди. Агар меросхўр ногирон бўлса, у солиққа тортиладиган суммани 7408 минг песет миқдорида камайтириш ҳуқуқига эга. Солиқ ставкалари – 7,65дан 34,0%гача.

Жисмоний шахсларнинг мол – мулкига солинадиган солиқ мол – мулкнинг қиймати солиққа тортиладиган база бўлиб ҳизмат қилади, ундан арзонлаштириш миқдори чегириб ташланади. Чет эл фуқаролари ҳам агар Испанияда 183 кундан ортиқ турган бўлсалар, ўз мол –мулклари ҳақида декларация топширадилар. Солиққа тортилмайдиган минимум – 25875 минг песет. Сумма шундан ортиқ бўлса, солиқ ставкаси – 0,2. Агар мол – мулк қиймати 1656 минг песетдан ортиқ бўлса, солиқ ставкаси 2,5%.

Кореяда даромад солиғи барча даромадга эга бўлган резидент ва норезидент жисмоний шахслардан ундирилади. Резидент жисмоний шахслар даромад солиғи ставкалари қуйидаги прогрессив шкала бўйича ҳисобланади:

1. 0 – 10 млн. вонгача 9%

2. 10 млн. вондан – 40 млн. вонгача 0,9 млн. + 10 млн вондан ошган сумманинг 18%

3. 40 млн. вондан – 80 млн. вонгача 6,3 млн. + 40 млн вондан ошган сумманинг 27%

4. 80 млн. Вондан юқори 17,1 млн. + 80 млн вондан ошган сумманинг 36%

Норезидент жисмоний шахслар даромад солиғи ставкалари.

1. 4000 вон гача 0 5%

2. 4000 - 10000 200 16%

3. 10000 – 25000 1.160 27%

4. 25000 – 50000 5.210 38%

5. 50000 дан юқори 14.710 50%

Мерос ва ҳадя солиғини резидентлар ва норезидентларга таалуқли. Солиқ ставкалари топшириладиган мол – мулк қиймати ва қариндошлик даражасига боғлиқ бўлади. Энг паст ставка 10%ни ташкил этади ва 45%га қадар ошади. Бундан ташқари бойлик ортирилганлик учун ҳам солиқ ундирилади прогрессив шкала бўйича 0.3% дан 7% гача.

Мол мулк солиғининг ставкалари мол – мулк қийматнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, умумий қиймат суммасининг 0,6% дан 1% гача миқдорда белгиланган

Хитой Халқ Республикаси тадбиркорлик фаолиятидан солиқни фуқаролар тўлайдилар. Бунга ҳизмат кўрсатиш, активларни бошқаларга ўтказиш ва кўчмас мулкларни Хитой Халқ Республикаси худудида сотиш билан боғлиқ фаолиятлар.

Жисмоний шахслар даромадидан солиқ ундиришнинг ҳуқуқий асоси 10 сентябрь 1983 йилда қабул қилган қонун ҳисобланади. Хитой Халқ Республикаси фуқаролари барча даромадидан солиқ тўлайдилар, норезидентлар эса фақатгина Хитой Халқ Республикаси худудида олган даромадларидан солиқ тўлайдилар.

Солиққа тортиладиган даромаддан ҳар ойда – 800 юан камайтирилади. Прогрессив ставкалар асосида солиқ ундирилади.

1. 500 юангача 5 %

2. 501 – 2000 юангача 10 %

3. 2001- 5000 юангача 15 %

4. 5001 – 20000 юангача 20 %

5. 20001 – 40000 юангача 25 %

6. 40001 – 60000 юангача 30 %

7. 60001 – 80000 юангача 35 %

8. 80001 – 100000 40 %

9. 100000 – ва ундан юқори 45 %

Жисмоний шахслар даромад солиғи қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Ой стд = Жам.их – 800 юан

Ой тўл. сол.сум = Ой стд х С – Ч.

Ой стд – ойлик солиққа тортиладиган даромад. Жам.их – жами ойлик иш хақи. Ой тўл.сол.сум – Ойлик тўланадиган солиқ сумма. С- ставка. Ч – чегирма суммаси.

Ер солиғини корхоналар ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

Чет эл сармояси билан ишлаётган корхоналар, чет эл компаниялари ва чет эл фуқоролари ер солиғи тўламайдилар. Солиқ ставкаси регионлар бўйича табақалаштирилган йиллик ставка 1 м2 шаҳар жойлари учун – 0,5 – 10 юан, ўрта шаҳарлар учун 0,4-8 юан, кичик шаҳарлар учун 0,3 – 6 юан, қазилма бойликлар қазиб оладиган районлар учун 0,2 – 4 юан.

Ерни сотишдан солиқ тўловчилар ташкилотлар ва фуқаролар. Сотгандан олган даромадларидан ва ерлардан фойдаланиш хуқуқи бошқага ўтказилганда.

Автоулов ва сув транспортларидан фойдалаганлик учун солиқ Автоуловлар учун: йўловчи ташувчи автоуловлар 60-32 юан, юк ташувчи транспорт учун 16-60 юан, мотоциклоар учун 20-80 юан, маторсиз уловлар учун 1,2 – 32 юан

3.МДХ мамлакатлари солиқ тизимида жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар

2000 йилдан бошлаб Россияда жисмоний шахсларга даромад солиқ солишнинг 13,0% миқдоридаги амалда ягона бўлган ставкаси белгиланди ва айрим даромад турлари бўйичагина, шунингдек 30,0% миқдоридаги пропорционал (мутаносиб) ставка қўлланилмоқда. Россиядаги норезидентлар эса Россия худудида олинган барча даромадлардан 35,0%ли ставка бўйича солиқ тўлайдилар.

Мерос ва хадяга солинадиган солиқни - меросхурларнинг ёши ва қариндошлигига қараб, мол - мулкнинг кўпи билан 10,0 -30,0%гача миқдорида, транспорт солиғини транспорт воситаси тури ва унинг двигателининг қувватига қараб, 1 литр сиғими учун 2-200 рублгача миқдорида ундирилади.

Ер солиғини - солиқ субъектлари гурухлари ва ер кадастр қийматининг 0,3дан 1,5%гача миқдорда.

Жисмоний шахслар мол - мулкига солинадиган солиқни бахолаш (суғурта, бозор, инвентаризация) қийматининг 0,1%и (плюс белгиланган суммадан ташқари 2,0%) миқдорида

Украина жисмоний шахслар даромад солиғи тўловчилари бўлиб – Украина фуқаролари, чел эл фуқаролари, резидент ва норезидентлар ҳисобланади. Резидент деб молия йилида Украинада 183 кун ва ундан кўп яшаган фуқароларга айтилади. Жисмоний шахслар даромад солиғи обьектига молия йилида олинган жами даромади солиққа тортилади. Солиққа тортилмайдиган даромадларга алиментлар, нафақалар, суғурта пуллари, хадя ва меросдан олинган суммалар, шахсий таморқада дехқончиликдан олинган маблағлар, моддий ёрдам пуллари,девидентлар. Асосий иш жойида ишлаётганлар учун даромад солиғини ҳисоблашда ҳар ойда солиққа тортилмайдиган минимум (энг кам ойлик иш хақи) жорий қилинган.

Шунингдек, ойлавий шароитига қараб бир бола учун ЭКИХ 10 баробари, Черноблда халок бўлган ва уруш 1-гурух ногиронлари учун солиқни ҳисоблашда ЭКИХ 10 баробари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногирон ҳарбийлар учун ЭКИХ 5 баробари чегирилади.

Асосий иш жойидан ташқарида олинган даромга резидент ва норезидентларга 20% ставкада солиқ ундирилади. Жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблаш қуйидаги прогрессив шкала бўйича амалга оширилади:

1.ЭКИХ 1 баробари +1крб. дан ЭКИХ 10 баробаригача ЭКИХ 1 баробаридан ошган сумманинг 10%

2.ЭКИХ 10 баробари +1крб. дан ЭКИХ 20 баробаригача ЭКИХ 10 баробар миқдоридан олинадиган солиқ +10 баробаридан ошган сумманинг 20 %

3.ЭКИХ 20 баробари +1крб. дан ЭКИХ 30 баробаригача ЭКИХ 20 баробар миқдоридан олинадиган солиқ +10 баробаридан ошган сумманинг 35 %

4.ЭКИХ 30 баробаридан юқори ЭКИХ 30 баробар миқдоридан олинадиган солиқ + 30 баробаридан ошган сумманинг 50 %

Меҳнатга тўланадиган ҳақ тарзида олинадиган даромадларга жисмоний шахснинг ёлланиб ишлаганлик учун олган барча даромадлари. ходимларга сотиладиган товар ёки хизматларнинг сотиб олишдаги қиймати ёки таннархи ўртасидаги салбий фарқ. иш берувчи ходимнинг фойдасига ҳисобдан чиқарган қарз мажбуриятлари суммалари. иш берувчи томонидан ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлигини ихтиёрий суғурта қилиш юзасидан тўланган бадаллари суммаси. иш берувчининг унинг ходимларининг бевосита ёки билвосита даромади бўлган бошқа сарф – ҳаражатлари киради.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига: давлат нафақалари, стипендия ва нафақалар, шу жумладан, касаллик варақлари бўйича бериладиган тўловлар, болалар ва боқимандаларга тўланадиган алиментлар,бир жисмоний шахсдан бошқа жисмоний шахс ҳадя ёки мерос тариқасида олган мол – мулкнинг қиймати, шунингдек инсонпарварлик ёрдами тариқасида олинган мол – мулкнинг қиймати, бюджетдан бериладиган моддий ёрдамга даромад солиғи солинмайди.

Жисмоний шахслар даромад солиғи ставкалари қуйидагилардаг иборат: (тенге)

1.Йиллик ҳисоб китоб кўрсаткичининг 15 баробаригача солиққа тортиладиган даромаднинг 5%

2.Йиллик ҳисоб китоб кўрсаткичининг 15 баробаридан - 40 баробаригача ЙХКК 15 баробар миқдоридан олинадиган солиқ + 15 баробаридан ошган сумманинг 10 фоизи

3.Йиллик ҳисоб китоб кўрсаткичининг 40 баробаридан - 600 баробаригача ЙХКК 40 баробар миқдоридан олинадиган солиқ + 40 баробаридан ошган сумманинг 20 фоизи

4.Йиллик ҳисоб китоб кўрсаткичининг 600 баробаридан юқори ЙХКК 600 баробар миқдоридан олинадиган солиқ + 600 баробаридан ошган сумманинг 30 фоизи

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари қийматларига инфляцияга қараб ўзгартиришлар киритилганлигини ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг қуйидаги турларини сотишдан олинадиган ўсиш киради: солиқ тўловчининг доимий истиқомат жойи бўлмаган кўчмас мулк, қимматли қоғозлар ва бошқа номоддий активлар, чет эл валютаси, заргарлик буюмлари, санъат асарлари Мол мулк солиғининг ставкаси мулк қийматининг ошишига қараб прогрессив шкала бўйича ундирилади. Мол-мулк солиғи тўлови муддатлари 1 йилда 4 марта 20 февраль,20 май, 20 август ва 20 ноябрь.

Астана ва Алмата шаҳарларидаги жисмоний шахслар учун агарда ер участкаси 0,06 га дан ошмаса ҳар бир 0,01 га учун 20 тенгедан, агарда 0,06 га дан ошса ҳар бир 0,01 га учун 600 тенгедан тўланади. Бошқа шаҳарлар учун ер участкаси 0,50 га дан ошмаса ҳар бир 0,01 га учун 20 тенгедан, агарда 0,50 га дан ошса ҳар бир 0,01 га учун 100 тенгедан тўланади Ер солиғини тўлов муддатлари 1 йилда 4 марта 20 февраль, 20 май, 20 август ва 20 ноябрь.

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкалари қуйидаги миқдорлада белгиланган:

1). 0 дан 1 000 000 гача 0,05 % мол мулк обьектидан.

2). 1 000 000 дан 3 000 000 гача 500 тенге + 1 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,08 %

3). 2 000 000 дан 3 000 000 гача 1300 тенге + 2 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,1 %

4). 3 000 000 дан 4 000 000 гача 2300 тенге + 3 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,15 %

5). 4 000 000 дан 5 000 000 гача 3800 тенге + 6 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,2 %

6). 5 000 000 дан 6 000 000 гача 5800 тенге + 5 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,25 %

7). 6 000 000 дан 7 000 000 гача 8300 тенге + 6 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,3 %

8). 7 000 000 дан 8 000 000 гача 11300 тенге + 6 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,35 %

9). 8 000 000 дан 9 000 000 гача 14800 тенге + 8 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,4 %

10). 9 000 000 дан 10 000 000 гача 18800 тенге + 9 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,45 %

11). 10 000 000 дан 30 000 000 гача 23300 тенге + 10 000 000 тенгедан ошган сумманинг 0,5 %

12). 30 000 000 дан 50 000 000 гача 123300 тенге + 30 000 000 тенгедан ошган сумманинг 1 %

13). 50 000 000 дан юқори 333300 тенге + 50 000 000 тенгедан ошган сумманинг 2 %

Қисқача хулосалар

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хорижий мамлакатлар солиқ тизими моделларини ўзига хусусиятлари мавжуд бўлиб, солиқ амалиётидаги ягона ёндашув ва андозалар, солиқ маъмурчилигидаги бир хиллик ва иш принциплари, марказлашган молия, солиқ органлари, банклар,божхона органлари тизимларини мавжудлиги, қуйидан юқорига қараб бошқарув механизмининг тузилганлиги ва уларга тўлиқ риоя қилиниши, солиққа тортиш тизимининг мураккаблиги солиқ хизмати органларида бошқарув ва ижро аппаратининг ходимлари кўплигининг мавжудлиги билан фарқ қилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. МДХ мамлакатлари солиқ тизимида жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ривожланаётган мамлакатлар солиқ тизимида жисмоний шахслардан ундириладиган маҳаллий солиқларни қандай турлари мавжуд?
3. Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимда жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг қандай турлари жорий этилган?

ТЕСТЛАР

1. Ривожланган хорижий мамлакатлар солиқ тизими моделлари қуйидагилардан иборат?

А. Ностандарт моделлар, Европа модели, Япония модели, Америкача модел.

Б. Осиё модели, Европа модели, Япония модели, Америкача модел.

В. Корея модели, Европа модели, Япония модели, Америкача модел.

Г. Россия модели, Европа модели, Япония модели, Америкача модел.

Д. Финландия модели, Европа модели, Япония модели, Америкача модел.

2. Болгарияда жисмоний шахслар томонидан декларация қайси муддатгача тақдим этилади ?

А. Жисмоний шахслар томонидан декларация 15 апрелгача тақдим этилади ва тўлов муддати 15 майгача амалга оширилади.

Б. Жисмоний шахслар томонидан декларация 25 апрелгача тақдим этилади ва тўлов муддати 15 майгача амалга оширилади.

В. Жисмоний шахслар томонидан декларация 5 апрелгача тақдим этилади ва тўлов муддати 15 майгача амалга оширилади.

Г. Жисмоний шахслар томонидан декларация 10 апрелгача тақдим этилади ва тўлов муддати 15 майгача амалга оширилади.

Д. Жисмоний шахслар томонидан декларация 1 апрелгача тақдим этилади ва тўлов муддати 15 майгача амалга оширилади.

3. Испанияда мол – мулки бўлган жисмоний шахслардан солиқ қандай муддатларда ундирилади ?

А. Ҳар йили

Б. Ҳар уч йилда

В. Ҳар беш йилда

Г. Ҳар ўн йилда

Д. умуман ундирилмайди

4. Хитой Халқ Республикаси фуқаролари барча даромадидан солиқ тўлайдилар.

А. Прогрессив ставкалар асосида солиқ ундирилади.

Б. Регрессив ставкалар асосида солиқ ундирилади.

В. Пропорционал ставкалар асосида солиқ ундирилади.

Г. Ноль даражали ставкалар асосида солиқ ундирилади.

Д. Солиқ ундирилмайди.

5. 2000 йилдан бошлаб Россияда жисмоний шахсларга даромад солиқ солишнинг неча фоиз миқдоридаги амалда ягона бўлган ставкаси белгиланди?

А. 13,0%

Б. 15,0%

В. 23,0%

Г. 13,5%

Д. 13,9%

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори
5. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил
6. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т:.Шарқ, 2009. 448 бет.

7. Ўрмонов Ж.Ж. Хорижий мамлакатлар солиқ тизими. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси, 2007 йил. 202 бет.
8. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
9. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
10. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.
11. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.

8-МАВЗУ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ МАЪМУРЛАШ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ УМУМИЙ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ МАЪМУРЛАШ

1.Жисмоний шахсларни солиққа тортишни маъмурлаш

Солиқ тўловчилар зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслардир.

Солиқ тўловчининг вакиллари қонунга ёки таъсис ҳужжатига мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслардир.

Ваколатли органлар қуйидагилардир:

1. *Давлат солиқ хизмати органлари* - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари.

2. *Божхона органлари* - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари.

3.*Молия органлари* - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари.

4. Бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи *давлат органлари ва ташкилотлари*.

Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслар деб эътироф этилади.

Якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига

мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида якунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб эътироф этилади.

Чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг қуйидагилар сифатида турган даври унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда турган вақтига киритилмайди:

1.Дипломатик ёки консуллик мақомига эга бўлган шахс сифатида.

2.Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига кўра тузилган халқаро ташкилотнинг ходими сифатида.

3.Фақат бир чет давлатдан бошқа чет давлатга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш (транзит ўтиш) учун.

4.Жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида фақат турист сифатида, даволаниш ёки дам олиш мақсадлари билан турган бўлса.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш тартиби солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қоидаларини белгилайди.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш мажбурияти давлат солиқ хизмати органи ёки солиқ агенти зиммасига юклатилиши мумкин.

Айрим турдаги солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришда уларнинг тўланиши лозим бўлган энг кам миқдори белгиланади.

Солиқ қонунчилигида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга

нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади.

2.Жисмоний шахслар томонидан солиқ мажбуриятларини бажарилишини назоратини ташкил этиш

Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш.

ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан давлат солиқ хизмати органлари ҳамда бошқа ваколатли органлардаги мавжуд маълумотларни олиш.

солиқ муносабатлари масалалари юзасидан ўз манфаатларини шахсан ёки ўз вакили орқали ифода этиш.

Солиқ қонунчилигида, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳамда тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш.

солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган суммаларини ҳисобга олиш ёки қайтариб олиш.

Солиқ қонунчилигида ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларда ва тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш.

солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

солиқ текширувлари материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш.

солиқ текширувларини амалга ошираётган давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бажаришга доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш.

давлат солиқ хизмати органларининг, бошқа ваколатли органлар ва улар мансабдор шахсларининг солиқ қонунчилигига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари ҳамда талабларини бажармаслик.

давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш.

давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қонунга хилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш.

Солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчининг солиқ муносабатларида шахсан иштирок этиши уни вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди, худди шунингдек вакилнинг иштирок этиши солиқ тўловчини бундай муносабатларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Солиқ тўловчи вакилларининг мазкур солиқ тўловчининг солиқ муносабатларидаги иштироки муносабати билан содир этилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) солиқ тўловчининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчилар:

ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши.

давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши.

солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиши.

давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек мазкур органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Солиқ агентлари ушбу мажбуриятлардан ташқари:

солиқ тўловчиларга тўланадиган маблағлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариши, ушлаб қолиши ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиши.

солиқ тўловчиларга тўланган даромадларнинг, ушлаб қолинган ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобини юритиши, шу жумладан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича алоҳида- алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилар зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ваколатли органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари солиқ қонунчилигида ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти деб эътироф этилади.

Солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи:

Солиқ қонунчилигида белгиланган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши.

солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши.

молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиши.

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

Солиқ мажбуриятини бажариш бевосита солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади, солиқ қонунчилигига ва бошқа қонунларга мувофиқ солиқ мажбуриятини бажариш бошқа шахсга юклатиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан солиқ қонунчилигида назарда тутилган тартибда унинг бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжати бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

Солиқ ҳисоботи қоғозда ёки электрон ҳужжатга доир талабларга риоя этилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида тузилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан имзоланиши керак.

Электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

3.Участка солиқ инспекторини ишини ташкил этиш

Давлат солиқ хизмати органлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш мақсадларида тузилган.

Солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ

тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органларида *участка солиқ инспекторлари* лавозими ташкил этилади. Участкаларнинг чегаралари, шунингдек участка солиқ инспекторларининг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган нормативлар бўйича белгиланади.

Участка солиқ инспекторлари ўзларига бириктирилган участкада мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни ҳисобга олиш юзасидан тегишли ишларни бажарадилар ҳамда улар тегишли солиқларни ўз вақтида тўлашларини назорат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бўлимларининг бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимларининг мансабдор шахслари, давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғи билан тайинланади

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига эгаллаб турган лавозими ва иш стажига мувофиқ қуйидаги махсус унвонлар берилади:

солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси.

солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси.

солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси.

солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси.

солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси.

солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси.

солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси.

солиқ хизматининг I даражали инспектори.

солиқ хизматининг II даражали инспектори.

солиқ хизматининг III даражали инспектори.

солиқ хизматининг инспектори.

Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1257-сон қарори мувофиқ мамлакатимизда тўпланган ва чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш, назорат қилувчи органлар функцияларидаги бир-бирини такрорлашларни бартараф этиш, республика фискал-молия органлари тузилмасида солиқ органларининг, энг аввало, қабул қилинган солиқ қонунчилигини ва Давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш бўйича белгиланган топшириқларни бажариш масалаларидаги ваколатларини кенгайтириш ва ролини ошириш мақсадида:

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгиланди:

1. Давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ қонунчилигига, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишига, уларнинг

тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш.

2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлатнинг мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ миқдорда тушишини таъминлаш.

3. Солиқлар йиғилишини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, маълумотларнинг ягона компьютер базасини юритиш асосида солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари соҳасини кенгайтириш, солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни рўёбга чиқариш.

4. Пул маблағларининг ноқонуний муомалада бўлиши манбаларини бартараф этиш, аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд тушумнинг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш.

5. Хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини рағбатлантириш бўйича қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан таклифлар киритиш.

6.Деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолиятини, улар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини қаттиқ назорат қилиш ҳамда жиноий ишларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширган ҳолда уларнинг ҳудудларида аниқланган ҳуқуқ бузилишлари бўйича суриштирувлар ўтказиш.

7.Республика назорат қилувчи органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини такрорлашга ва суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик.

8.Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши юзасидан таъсирчан назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга ошириш.

9.Солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан таъминлаш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш ҳолатларига қатъий равишда барҳам бериш бўйича тизимли иш олиб бориш, доимий асосда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаси ошириб борилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 октябрдаги Р-3296-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Ишчи комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмасида Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасини ҳамда унга бўйсунувчи, бошқарув ходимларининг умумий сони 604 нафар, шу жумладан Бош бошқарма ходимлари сони — 14 нафардан иборат бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлимларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш.

2.Бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойларида молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва барҳам бериш.

3.Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида сифатсиз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга қарши курашиш.

4.Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятидан олинган пул оқимлари ва маблағлар тушуми ҳисобининг тўлиқ юритилишини таъминлаш.

5.Молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқни бузиш содир этилиши ҳолатлари бўйича терговдан олдинги текширишларни ташкил этиш ва олиб бориш, жиноий ишлар қўзғаш, улар бўйича суриштирув ишларини амалга ошириш, жиноят ишларини терговга тегишлигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириш.

6.Солиқ билан боғлиқ ҳуқуқ бузилишлари натижасида давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириш чора-тадбирларини кўриш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси фаолиятининг доимий ва ҳар томонлама мониторинги ҳамда самарадорлигини таҳлил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва унинг марказий аппарати тузилмаси қуйидагилардан иборат:

Давлат Солиқ Қўмитаси

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Давлат солиқ бошқармаси	Солиқ декларацияларини қайта ишлаш маркази
Туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияси	Республика ахборот маслаҳат маркази
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлими	Илғор технологиялар илмий ахборот маркази
Солиқ академияси	“Ғазалкент” соғломлаштириш маркази
Тошкент, Бухоро ва Фарғона солиқ коллежлари	Даволаш соғломлаштириш комплекси

1-чизма.Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва унинг марказий аппарати тузилмаси[·]

[·] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1257-сон қарори

Бўлим бошлиғи

Бўлим бошлиғи ўринбосари-
бозорлар ва савдо комплекслари
фаолиятини назорат қилиш
сектори бошлиғи
1 ходим

Аниқлаш сектори
4 -9 ходим

бозорлар ва савдо комплекслари
фаолиятини назорат қилиш
сектори
10-67 ходим

Таҳлил ва статистика
сектори
3-6 ходим

2-чизма.Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимининг тузилмаси[·]

[·] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-1257-сон қарори



3-чизма. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Давлат солиқ бошқармасининг тузилмаси[·]

[·] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-1257-сон қарори



4-чизма.Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Давлат солиқ бошқармасининг тузилмаси[·]

[·] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-1257-сон қарори

ДСИ бошлиғи

Бошлиқ биринчи ўринбосари

Бошлиқ ўринбосари

Режим ва ходимлар бўйича бошлиқ ўринбосари

Назорат инспектор бўлими(мутахассис)

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушуми ҳисоби ва таҳлили бўлими

Юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими

Солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик бўйича сектор(инспектор)

Юридик сектор ёки юрист маслаҳатчи

Солиқ текширувлари бўлими

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими

Ходимлар билан ишлаш сектори

Бухгалтерия ҳисоби ва комплектация бўлими

Солиқ қарзларини ундириш бўлими

Камерал назорат бўлими (сектори)

Навбатчи қисм

Назорат органларининг фаолиятини мувфиқлаштириш ва мониторинги бўйича сектор(инспектор)

Маъмурий амалиёт бўлими(сектори)

5-чизма.Туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекциясининг тузилмаси[·]

[·] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1257-сон қарори

7-жадвал

Давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони[·]

№	Давлат солиқ хизмати органлари	Давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони	Шу жумладан:		
			Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги		Туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияси
			Давлат солиқ бошқармаси	Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлими	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	618	77	26	515
2.	Андижон вилояти	900	98	68	734
3.	Бухаро вилояти	713	81	34	598
4.	Жиззах вилояти	486	72	24	390
5.	Кашкадарё вилояти	742	74	38	630
6.	Навоий вилояти	447	72	24	351
7.	Наманган вилояти	742	84	38	620
8.	Самарканд вилояти	993	102	58	833
9.	Сурхандарё вилояти	597	72	31	494
10.	Сирдарё вилояти	507	73	19	415
11.	Ташкент вилояти	1 327	127	44	1 156
12.	Фарғона вилояти	1 197	103	68	1 026
13.	Хоразм вилояти	671	71	34	566
14.	Тошкент шаҳри	1 997	199	84	1 714
Жами		**11 937**	**1 305**	**590**	**10 042**

[·] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1257-сон қарори

Давлат солиқ хизмати органлари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган: солиқ тўловчилар – юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг назорат ҳамда ҳужжат асосидаги текширувини ва молия-хўжалик фаолияти тафтишини амалга оширувчи махсус назорат-тафтиш бўлинмаси, шунингдек давлат солиқ хизмати органларида режим ва ходимлар билан ишлаш бўйича махсус бўлинма тузилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати” тўғрисидаги қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини давлат бошқарув органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил тарзда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Давлат солиқ хизмати органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча солиқ тўловчилар —якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Давлат солиқ хизмати органлари юридик шахслар бўлиб, республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи битилган муҳрга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмаси, унинг ходимлари чекланган сони билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекцияларининг

намунавий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш.

солиқларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш.

солиқлар йиғилишини ошириш бўйича чоралар кўриш, маълумотлар компьютер базасининг ягона тизимини юритиш асосида солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш механизмларини такомиллаштириш, уларга кўрсатиладиган ахборот-маслаҳат хизматлари соҳасини кенгайтириш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш.

пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш.

жисмоний шахсларнинг фаолиятини рағбатлантиришга, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар беришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операциялари амалга оширилганда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш.

давлат солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан тўлдириш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан ёндашиш фактларига

барҳам бериш бўйича тизимли ишни амалга ошириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни доимий асосда таъминлаш.

4.Участка солиқ инспекторининг вазифалари ва ҳуқуқлари

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида жисмоний шахслардан солиқларни ундиришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида солиқларни ҳисоблаш ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиш.

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

солиқларга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш.

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш.

якка тартибдаги тадбиркорларнинг товар-моддий бойликларини давлат даромадига ўтказиш суд тартибида амалга оширилади.

солиқ тўловчиларнинг ғайриқонуний равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъволар қўзғатиш.

Давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати” тўғрисидаги қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

Давлат солиқ хизмати органлари давлат статистика, ахборот, архив, маълумот ва бошқа ташкилотларининг солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотларни бериш юзасидан кўрсатадиган хизматлари (бажарадиган ишлари) учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.

Давлат солиқ хизмати органлари:

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий

пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириши, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати” тўғрисидаги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши.

Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши.

Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар, ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, шунингдек жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этишлари юзасидан назоратни таъминлаши.

Солиқ тўловчиларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўз вақтида етказиши.

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларини йиғиши, таҳлил этиши ва баҳолаши ҳамда солиқларга оид ҳуқуқбузарликларга йўл очиб бераётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиши.

солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризаларни, хабарлар ва бошқа ахборотни текшириши.

давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мерос ҳуқуқи бўйича ўтган хазиналар ва мол-мулкнинг ҳисобини юритиши, уларни баҳолаши ҳамда уларнинг ўтказилишини назорат этиши.

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкнинг реализация қилинишидан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушиши юзасидан назорат олиб бориши, шунингдек давлат органларига текин ўтказилган мол-мулк ҳисобини олиб бориши.

масалани ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасидан чиққан ҳолларда, қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларига доир материалларни прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органларига ва судларга топшириши.

валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига солиқ тўловчилар –якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши юзасидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириши.

солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ сир тутилишига риоя этиши.

ўз бўйсунувидаги бўлинмалар фаолияти устидан назоратни амалга ошириши.

қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ қарзи суммасини сўзсиз ундириши.

жисмоний шахсларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларини, якка тартибдаги тадбиркорларни ҳисобга қўйиши, шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларига ижтимоий суғурта бадаллари тўловчилари сифатида (тегишли давлат мақсадли жамғармалари тўловчилари бўлган субъектлар учун) ҳисобга олиши, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериши ҳамда бу рақамни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қилиши.

жисмоний шахснинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, мазкур солиқ тўловчига тааллуқли барча материалларни унинг янги яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига топшириши.

солиқ тўловчининг талаби бўйича мазкур солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи маълумотномани, шу жумладан ўзгаришлар киритилган ҳисоб маълумотлари ҳам кўрсатилган ҳолдаги маълумотномани бериши.

солиқ қарзи бўлган жисмоний шахс вафот этган тақдирда, жисмоний шахс ҳисобга қўйилган ва (ёки) унинг мол-мулки турган жойдаги давлат солиқ хизмати органи вафот этган шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида меросхўрга (меросхўрларга) солиқ қарзи борлигини маълум қилиши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига кўмаклашишлари шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, молия органлари, банклар ўзаро келишиб белгиланган тартибда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, ўтказилаётган текширувлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар, шунингдек зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа ахборотларни алмашиб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Солиқ тўловчиларнинг ҳисобга олинишини ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида банклар:

давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига:

жисмоний шахсларнинг депозит ва бошқа ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операцияларни текшириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўядилар.

қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларига бошқа ахборотни ҳам тақдим этадилар.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш чоғида давлат ҳокимияти вакили ҳисобланадилар. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг солиқ ҳақидаги

қонун ҳужжатларига риоя қилиш хусусидаги талаблари барча жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт.

Ҳеч ким давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашишга ҳақли эмас. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришларига тўсқинлик қилиниш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратлаш, уларга қаршилик кўрсатиш, таҳдид қилиш, зўравонлик қилиш ёки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизматининг мансабдор шахслари қуйидагилар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўладилар:

ўз вазифаларини бажармаганлиги ёхуд зарур даражада бажармаганлиги, ижро интизомини бузганлиги учун.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати” тўғрисидаги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаганлиги учун.

ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқароларга моддий ва маънавий зарар етказганлиги учун.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилганлиги учун.

бошқа ҳуқуқбузарликлари учун.

Солиқ органлари мансабдор шахсларининг солиқ текширувини амалга ошириш чоғидаги ғайриқонуний ҳаракатлари билан етказилган зарарлар қонунда белгиланган тартибда қопланиши керак.

Давлат солиқ органлари ходимларининг ўз хизмат ваколатлари доирасидан четга чиққанлиги, шунингдек зиммасига юкланган хизмат вазифаларини бажармаганлиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ижтимоий ҳимояси давлат томонидан кафолатланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари республика бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий давлат суғурталаниши лозим.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари ўз хизмат фаолиятларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда ҳалок бўлса, уларга тан жароҳати етказилса, тегишли равишда, ҳалок бўлган шахснинг оиласига ёки давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахси ўз хизмат фаолиятини амалга ошириши муносабати билан унинг мол-мулкига етказилган зарар республика бюджети маблағларидан қопланади ва бу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг иш ҳақи — мансаб маоши, махсус унвон, кўп йил хизмат қилганлиги учун тўланадиган устама ҳақлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда тўланадиган бошқа қўшимча ҳақлардан иборат бўлади.

Махсус унвон берилган шахслар белгиланган нормалар бўйича бепул махсус формали кийим-бош билан таъминланадилар.

Давлат солиқ хизмати органларида махсус фонд ташкил этилиши мумкин, уни ҳосил қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

6.Участка солиқ инспекторлари томонидан жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар суммасини ҳисоблаш, тўлаш ва қайтариш тартиби

Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкини қабул қилган

меросхўри (меросхўрлари) томонидан, мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улушга мутаносиб равишда, мерос қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади.

Вафот этган жисмоний шахс тўлаши лозим бўлган пеня ёки жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрга (меросхўрларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти суммаси мерос қилинган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича қарзининг қолган суммаси умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Меросхўр бўлмаган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ қарзи умидсиз қарз ҳисобланади.

Солиқ қарзига эга бўлган жисмоний шахс вафот этган тақдирда, жисмоний шахс ҳисобга қўйилган ёки унинг мол-мулки турган жойдаги давлат солиқ хизмати органи вафот этган шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида унга (уларга) солиқ қарзи борлигини маълум қилиши шарт.

Суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган жисмоний шахснинг солиқ қарзи қонун ҳужжатларига мувофиқ бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан бедарак йўқолган шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг васийси томонидан муомалага лаёқатсиз шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган (йўқ бўлган) тақдирда, унинг солиқ қарзининг кўрсатилган мол-мулк қийматидан ортиқ қисми умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Жисмоний шахснинг бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб

топилганлигини бекор қилиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган ёки жисмоний шахсни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, илгари ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзининг амал қилиши, даъво қилиш муддатидан қатъи назар, қайта тикланади.

Вафот этган жисмоний шахснинг жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ва қатъий белгиланган солиқни тўлаш бўйича қарзи умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Солиқнинг бюджетга тўланган ҳамда тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги, тақдим этилган солиқ ҳисоботи асосида аниқланадиган ижобий фарқ солиқнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади.

Ортиқча тўланган сумма солиқ қарзини қуйидаги кетма-кетликда узиш ҳисобига ҳисобга олиниши керак:

1. Солиқнинг мазкур тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига.

2. Бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига.

3. Бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига.

4. Мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

5. Бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан мустақил равишда солиқ тўловчининг аризасисиз амалга оширилади, солиқ тўловчи бу ҳақда ҳисобга олиш амалга оширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ёзма равишда хабардор этилади.

Бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига, пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ва келгуси тўловлар ҳисобига ортиқча тўланган солиқни ҳисобга олиш солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида хулоса тақдим этилган тақдирда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади. Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчи ёзма ариза берган санадан эътиборан уч кунлик муддатда ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисидаги хулосани молия органларига тақдим этиши шарт.

Солиқ тўловчи солиқ ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун ичида ёзма ариза бермаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи тегишли молия органларига бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига, пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида мустақил равишда хулоса тақдим этиши мумкин.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш бу хусусда хулоса берилган санадан эътиборан ўн иш куни ичида амалга оширилади.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси бошқа солиқ тўловчининг солиқ қарзини узиш ҳисобига ҳисобга олиниши мумкин эмас.

Солиқнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш амалга оширилганидан кейин ортиқча тўланган солиқларнинг қолган суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш орқали қайтарилиши керак.

Ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш давлат солиқ хизмати органи қайтариш учун солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида хулоса тақдим этган тақдирда, қайтариш тўғрисидаги ариза топширилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Бошқа мажбурий тўловларнинг тўланган ва тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади.

Бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олиш ҳамда қайтариш солиқ қонунчилигида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда тегишли ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Божхона тўловларининг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ва қайтариш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона органлари томонидан амалга оширилади.

Ортиқча тўланган бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш ортиқча тўланган сумма қайси бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказилган бўлса, ўша бюджет ёки давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида, зиммасига мажбурий тўловларни

ундириб олиш мажбурияти юклатилган органларга тегишли ариза берилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганда унга бериладиган рақамдир.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчига бир марта берилади. Солиқ тўловчининг идентификация рақами ўзгармайди ва бекор қилинганидан кейин бошқа солиқ тўловчига берилмайди.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами қуйидагиларда албатта ёзиб қўйилиши керак:

Жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада, рўйхатдан ўтказиш давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда амалга оширилади.

фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланишга доир лицензиясида.

чеклардан ташқари, пул билан ҳисоб-китоб қилинадиган тўлов ҳужжатларида, шунингдек уларнинг электрон шаклида.

давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ва солиқ ҳисоботи ҳужжатларида.

Жисмоний шахслар томонидан тузиладиган хўжалик, фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда меҳнат шартномаларида.

Якка тартибдаги тадбиркорлар битимлар тузганлигини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда.

Якка тартибдаги тадбиркорларда қиймат ифодасига эга бўлган молиявий, мулкий ҳамда бошқа мажбуриятлар юзага келганлигини, шунингдек уларнинг бажарилишини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда.

Солиқ тўловчи сифатида қуйидагилар ҳисобга қўйилади:

Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органида.

Солиқ қонунчилигига мувофиқ мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчилар бўлган жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари - солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида.

Солиқ тўловчида у ҳисобга қўйилганидан кейин ер солиғи ёки мол-мулк солиғи тўлаш бўйича солиқ мажбурияти ҳисобга қўйилган жойдан ташқарида вужудга келган тақдирда, солиқ тўловчи солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйишга мувофиқ солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида объект бўйича ҳисобга қўйилиши керак.

Бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган жойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши керак.

Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

Солиқ қонунчилигига мувофиқ ер солиғи, шунингдек кўчмас мулкка тааллуқли қисмида мол-мулк солиғи тўловчилари бўлган жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ер участкасига, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш солиқ солиш объект жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахс - солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари қуйидагилардан иборат:

солиқ тўловчининг идентификация рақами.

фамилияси, исми ва отасининг исми.

фуқаролиги.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун - фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди).

паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи.

яшаш жойи (манзили).

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қуйидагилар ҳам солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларидир:

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами.

фаолият тури.

фаолият амалга ошириладиган жой.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилган жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ҳисоб маълумотларидаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда маълум қилишлари шарт.

Жисмоний шахснинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчига тааллуқли барча материалларни унинг янги яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига топшириши шарт. Бундай материалларни топшириш-қабул қилиб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ тўловчининг талаби бўйича давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи маълумотномани, шу жумладан ўзгаришлар киритилган ҳисоб маълумотларини ҳам кўрсатган ҳолда бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестридан чиқариш қуйидагича амалга оширилади:

жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - улар вафот этганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти уларнинг меросхўрлари томонидан тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса.

Лицензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар берадиган органлар бундай ҳужжатлар берилган шахслар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига шундай ҳужжатлар берилганлиги ҳоллари ҳақида маълум қилиши, шунингдек мазкур ҳужжатлар бекор қилинганлиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

Ички ишлар органлари ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига паспортлар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган паспортлар ўрнига паспортлар берилганлиги фактлари ҳақида, бекор қилинган паспортлар тўғрисида ҳар ойда маълум қилиши шарт.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган кўчмас мулк ва унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Давлат нотариал идоралари тегишинча кўчмас мулк ижараси шартномаси тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳадя тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Ер ресурсларини ҳисобга олувчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ер участкасига нисбатан ҳуқуқи юзага келган (тугатилган) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига нисбатан ҳуқуқ берилганлиги (тугатилганлиги) ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

7. Солиқ қонунчилигини бузган жисмоний шахсларга қўлланиладиган чора-тадбирлар

Солиқ тўловчининг солиқ қонунчилигида жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Жисмоний шахсларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлиги ўн олти ёшдан бошлаб вужудга келади.

Ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун солиқ қонунчилигида назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Агар жисмоний шахс содир этган солиққа оид ҳуқуқбузарликда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаса, бу ҳуқуқбузарлик учун Солиқ Кодексида назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда қўлланилади.

Солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор ҳисобланмайди.

Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбсизэканлигини исботлаши шарт эмас.

Солиқ тўловчи солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдирда,молиявий санкциялар ҳар бир ҳуқуқбузарликка нисбатан алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Агар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар қўлланилган шахс молиявий санкциялар қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этмаган бўлса, у молиявий санкцияларга тортилмаган ҳисобланади.

Шахс солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун қуйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги фактининг йўқлиги.

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахснинг айби йўқлиги.

Солиқ Кодексида назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд бўлган тақдирда, шахс солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини истисно қиладиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик белгилари бўлган қилмишнинг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида содир этилганлиги (мазкур ҳолатлар ҳаммага маълум фактларнинг мавжудлиги, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар ва исботлаш учун махсус воситалар талаб этилмайдиган бошқа усуллар билан белгиланади).

солиққа оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган қилмиш бундай қилмиш содир этилган пайтда касаллик оқибатида ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган (мазкур ҳолатлар мазмуни, моҳияти ва санаси бўйича солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилган ўша солиқ даврига тааллуқли бўлган ҳужжатларни тақдим этиш орқали исботланади) жисмоний шахс - солиқ тўловчи томонидан содир этилганда.

ваколатли органлар ёки улар мансабдор шахсларининг солиққа оид қонун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида берган ёзма тушунтиришлари солиқ тўловчи томонидан бажарилганда (мазкур ҳолатлар ушбу органларнинг тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда белгиланади, ушбу ҳужжатлар маъноси ва мазмунига кўра, ҳужжатлар қабул қилинган санадан қатъи назар, солиққа оид ҳуқуқбузарлик юз берган солиқ даврига тааллуқли бўлиши лозим).

Шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида ўн олти ёшга тўлмаган жисмоний шахс томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганда.

солиқ мажбуриятлари бўйича даъво муддатлари тугаганда.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

оғир шахсий ёки оилавий шароитлар кечиши оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этиш.

таҳдид ёки мажбурлаш таъсирида ёхуд моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли ҳуқуқбузарлик содир этиш.

суд томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи деб топилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг илгари худди шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилганлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилади.

Молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади.

Якка тартибдаги тадбиркорларга - солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкциялар фақат суд тартибида қўлланилади, пеня ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня материаллар судга берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўланган тақдирда тадбиркорлик субъекти - солиқ тўловчи ўзига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун жарималар қўлланилишидан озод қилинади.

Солиқ тўловчи - жисмоний шахсга ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик - муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бир фоиз миқдорида, бироқ белгиланган тўлов муддатида тўланиши лозим бўлган тўлов миқдоридан тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар чегириб ташланган сумманинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер участкаларидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш ер солиғининг суммасига эквивалент миқдорда:

жисмоний шахсларга - бир ярим баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳар бир солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш учун давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) шикоят қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят берилганлиги шундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Судга шикоят бериш суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни, шунингдек молиявий санкциялар қўлланилишини тўхтатиб туради. Солиқ тўловчи тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда давлат солиқ хизмати органини судга шикоят бергани тўғрисида хабардор қилиши шарт.

8.Жисмоний шахсларни солиқ тўлашга доир муддатларини белгилаш

Солиқ мажбурияти солиқ қонунчилигида белгиланган муддатларда солиқ тўловчи томонидан бажарилиши керак.

Солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини муддатидан илгари бажаришга ҳақли.

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари календарь сана ёки вақт даври (йил, йил чораги, ой, ўн кунлик ва кун) ўтиши билан белгиланади.

Муддатнинг ўтиши календарь санадан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейинги кундан бошланади. Солиқ мажбурияти бу мажбуриятни бажариш муддатининг сўнгги куни соат йигирма тўртга қадар бажарилиши керак.

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатининг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, шундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг солиқ мажбурияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:
унинг вафот этиши билан.

уни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кириши билан.

Давлат солиқ хизмати органи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Солиқ тўловчи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, узилади ва тикланади.

9.Солиқ идоралари томонидан жисмоний шахсларнинг солиққа оид маълумотларини маҳфийлигини таъминлаш

Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчи тўғрисида олинган ҳар қандай маълумот солиқ сирини ташкил этади, қуйидаги маълумотлар бундан мустасно:

1.Солиқ тўловчининг ўзи ошкор этган ёки унинг ёзма розилиги билан ошкор этилган маълумотлар.

2.Солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар.

3.Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ва бу қонунбузарлик учун қўлланилган жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар.

Солиқ сири ошкор этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ сирини ошкор этишга, хусусан, солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсига, жалб этилган экспертга ёки таржимонга улар ўз вазифаларини бажараётганда маълум бўлиб қолган ишлаб чиқариш ёки тижорат сиридан фойдаланиш ёхуд уни бошқа шахсга бериш киради.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган, солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар сақлаш ва фойдаланишнинг махсус режимига эга бўлади.

Давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатдаги мансабдор шахслари солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлари бўлган ҳужжатларнинг йўқотилганлиги ёки бундай маълумотларнинг ошкор этилганлиги қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қисқача хулосалар

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги давр талаби шундан иборатки, солиқ қонунчилиги фақатгина текширишларни ташкил қилиш орқали солиқ ҳуқуқбузарликларини аниқлаш билан эмас балки, ушбу ҳуқуқбузарликлар содир этилмасдан туриб, уни олдини олиш чораларини кўриш, жумладан, солиқ тўловчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, янгиликлар билан, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан таништириб бориш, мавжуд муаммоларни биргаликда ечиш учун уларнинг солиқ саводхонлигини ошириб бориш масалаларига қаратилган бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини мамлакатдаги назорат тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва шу сабабли солиқ қонунларига риоя этилишига эришишни таъминлаш қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ тартиботга риоя этилишига эришишни амалга оширади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жисмоний шахсларни солиққа тортишни маъмурлашнинг қандай тартиб-қоидалари белгиланган ?
2. Солиқ қонунчилигида белгиланган ваколатли органларни тушунтиринг ?
3. Солиқ тўловчилар қандай ҳуқуқларга эга ?
4. Участка солиқ инспекторини ишини қандай ташкил этилади ?
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари ва функциялари нималардан иборат ?
6. Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига эгаллаб турган лавозими ва иш стажига мувофиқ қандай махсус унвонлар берилади ?

7. Туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекциясининг таркибий тузилиши қандай ?
8. Участка солиқ инспекторининг қандай вазифалари ва ҳуқуқлари белгиланган?
9. Участка солиқ инспекторлари томонидан жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар суммасини ҳисоблаб чиқариш, тўлаш ва қайтариш тартиби қандай?
10. Солиқ қонунчилигини бузган жисмоний шахсларга қандай чора-тадбирлар қўлланилади ?
11. Жисмоний шахсларни солиқ тўлашга қандай муддатлар белгиланган ?
12. Солиқ идоралари томонидан жисмоний шахсларнинг солиққа оид маълумотларини маҳфийлигини таъминлаш қандай амалга оширилади ?

Тестлар

1. Ваколатли органлар қуйидагилардир:

А. Давлат солиқ хизмати органлари, божхона органлари, молия органлари

Б. Суғурта хизмати органлари, божхона органлари, молия органлари

В. Банк органлари, божхона органлари, молия органлари

Г. Статистика органлари, божхона органлари, молия органлари

Д. Кредит ташкилотлари, божхона органлари, молия органлари

2.Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида жисмоний шахслардан солиқларни ундиришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

А. Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳамда солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида солиқларни ҳисоблаш ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиш.

Б. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш

В. Кредит бериш

Г. Суғурталаш

Д. Лицензия бериш

3. Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчига неча марта берилади?

А. Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчига бир марта берилади.

Б. Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчига икки марта берилади.

В. Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчига уч марта берилади.

Г. Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчига тўрт марта берилади.

Д. Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчига беш марта берилади.

4. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли ким томонидан тасдиқланади ?

А. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Б. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

В. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Г. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланади.

Д. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланади.

5. Жисмоний шахс - солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари қуйидагилардан иборат:

А. Солиқ тўловчининг идентификация рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаролиги,Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун - фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди), паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи, яшаш жойи (манзили).

Б. Солиқ тўловчининг идентификация рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун - фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди), паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи.

В. Фуқаролиги,Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун - фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди), паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи, яшаш жойи (манзили).

Г. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун - фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди), паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи, яшаш жойи (манзили).

Д. Солиқ тўловчининг идентификация рақами, паспортининг серияси ва рақами, яшаш жойи (манзили).

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори
5. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил
6. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т:.Шарқ, 2009. 448 бет.

7. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –T.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.
8. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
9. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
10. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.
11. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.

Глоссарий

Жисмоний шахс (фуқаро) тушунчаси - фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Хусусий тадбиркорлик – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

асосий иш жойи - иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимнинг меҳнат дафтарчасини юритиши шарт бўлган иш жойи.

асосий фаолият тури - юридик шахснинг ҳисобот даври якунлари бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги тушум улуши устунлик қиладиган фаолияти.

биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот - биргаликдаги фаолият натижаси бўлган товарлар (ишлар, хизматлар).

бюджетдан ажратиладиган субсидия - давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет ҳисобидан бериладиган пул маблағлари. солиқ тўловчига муайян мақсадларга йўналтириш шарти билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ҳисобига бўшайдиган маблағлар.

грант - давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларга беғараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига беғараз асосда бериладиган мол-мулк.

дивидендлар - акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад. юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми. юридик шахс тугатилганда мол- мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади, тақсимланмаган фойда устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг (иштирокчисининг, аъзосининг) қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улуш (пай, ҳисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари.

ижара (лизинг) тўлови - ижарачи (лизинг олувчи) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўлайдиган сумма.

ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади - бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган ижара (лизинг) тўлови суммаси билан ижара (лизинг) объектининг қийматини қоплаш суммаси ўртасидаги фарқ кўринишидаги ижара (лизинг) тўловининг бир қисми.

инсонпарварлик ёрдами - аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб- қувватлаш, табиий офатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун аниқ мақсадли беғараз кўмаклашиш.

Инсонпарварлик ёрдами дори воситалари ва тиббий аҳамиятга молик буюмлар, халқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек ихтиёрий равишдаги хайр-эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан инсонпарварлик

ёрдами юкларини ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш тариқасида берилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ваколатли ташкилотлар орқали тақсимланади.

ишларни (хизматларни) экспорт қилиш - ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш.

кредит ташкилотлари - тегишли лицензияга эга бўлган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари.

курс бўйича фарқ - миллий валютага нисбатан чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан чет эл валютасида амалга оширилган операцияларда вужудга келадиган (ижобий, салбий) фарқ.

мол-мулк - эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш объектлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пайлар, ҳиссалар) ҳамда номоддий объектлар.

оила аъзолари - эр (хотин), ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ва болалар, шу жумладан фарзандликка олинганлар.

оператив ижара - молиявий ижара шартномаси бўлмаган мулкий ижара (ижарага бериш) шартномаси асосида мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш.

реализация қилиш - сотиш, айирбошлаш, беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига топшириш. Ҳисобварақ-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, товарлар жўнатилганлигини (топширилганлигини), ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи квитанциялар, чеклар ва бошқа ҳужжатлар реализация қилганликни асдиқловчи ҳужжатлардир.

роялти - қуйидагилар учун ҳар қандай турдаги тўловлар:

фан, адабиёт ва санъат асарларидан, шу жумладан электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, аудиовизуал асарлардан ҳамда турдош ҳуқуқлар объектларидан, жумладан ижролар ва фонограммалардан фойдаланганлик ёхуд улардан фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун.

саноат мулки объектига, товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, махфий формула ёки жараёнга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи патентдан (гувоҳномадан) ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли ахборотдан (ноу-хаудан) фойдаланганлик учун.

савдо фаолияти - қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият.

солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби - солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

солиқ қарзи - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан солиқ қонунчилигида белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар.

соф тушум - товарлар (ишлар, хизматлар) нархида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғини ҳамда акциз солиғи суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум.

соф фойда - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда.

таннарх - маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймат баҳоси. Таннарх бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

товар обороти - муайян давр ичида савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида товарларни сотишдан олинган (олиниши лозим бўлган), пулда ифодаланган маблағлар.

товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум -реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган (олиниши лозим бўлган) маблағлар суммаси, шу жумладан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш ёки қарзни узиш ҳисобига тушадиган мол-мулк қиймати.

товарларни экспорт қилиш - Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қайта олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш.

тўлов манбаи - солиқ тўловчига тўловларни амалга оширувчи юридик шахс.

умидсиз қарз - суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз.

фавқулодда ҳолатлар - тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), бошқа табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар бўлиб, қабул қилинган мажбуриятлар шулар туфайли бажарила олмайди.

фоизлар - ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинган даромад, шу жумладан облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек депозит қўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларидан олинган даромад.

ютуқ - лотереялар, ўйинлар, танловлар, мусобақалар (олимпиадалар), фестиваллар ва шу каби бошқа тадбирларда олинган, натура ҳолида ёки пулда ифодаланган тўловлар, совринлар ва бошқа даромадлар.

яқин қариндошлар - эр, хотин, ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, боболар, бувилар, неваралар.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри – солиқ тўловчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими.

қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар - буюртмачига тегишли хом ашё ва материаллар бўлиб, буюртмачи уларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга беради ҳамда тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот кейинчалик буюртмачига қайтарилади.

ҳужжат билан тасдиқланган харажатлар - операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар.

бизнес-мактаб – тадбиркорларни, кичик корхоналарнинг раҳбарларини, кичик корхоналар учун мутахассисларни, ишсизларни, ўз ишини очмоқчи бўлган бошқа фуқароларни, кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун масъул бўлган хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи тузилма.

ўқув-амалий марказлари – кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бозор иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлашнинг кенг миқёсли дастурини амалга оширувчи тузилма.

бизнес-инкубаторлар – махсус танлаб олинган кичик корхоналарни ўз майдонларига жойлаштирувчи ва уларга маслаҳат, ўқитиш ва офис хизматларини кўрсатувчи тузилмалар.

ижтимоий-амалий марказ – иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизлар ўртасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш билан шуғулланувчи, одатда бандлик марказлари қошида ташкил этилувчи тузилма.

технопарк – ўз ҳудудида кичик инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантириш орқали илмий салоҳиятдан фойдаланиш ва ишлаб чиқилган технологияларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилувчи тузилма.

бизнес-марказ – тадбиркорлар ва бизнесменларга сервис хизматлари кўрсатувчи тузилма.

касаначилик – йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

консалтинг – бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

аудиторлик компанияси – бу турли йўналишдаги фирмаларнинг бозор ва бизнес соҳасидаги имкониятларини аниқлаб берувчи молия-хўжалик фаолиятини ялпи тафтиши билан шуғулланувчи муассаса.

суғурта компанияси – суғурталовчи ролида майдонга тушувчи, яъни суғурта ҳодисаси рўй берган чоғда суғурталанган шахснинг зарарларини қоплаш мажбуриятини ўзига олувчи ташкилот.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон,2010 й. 40 бет.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонуни. – Тошкент, 1996. 25 апрел.

1.6. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуни.– Тошкент, 1995. 21 декабр.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1090 Қарори

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сонли қарори.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сон қарори.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарори.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги 744-сонли қарори.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги 532-сонли қарори.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги ПФ-3622-сонли Фармони.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100 сонли қарори

1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3620-сонли Фармони.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармони.

II. Президент асарлари.

2.1. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил

2.2. Каримов И.А. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» Халқ сўзи газетаси, 22 январь 2011 йил.

2.3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 80 бет.

2.4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил. 56 бет.

2.5. Каримов И.А. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш- давр талаби» -Т.: Халқ сўзи, 14 февраль, 2009 йил.

2.6. Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” – Т.: Халқ сўзи , 2008 йил 9 февраль.

2.7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: «Ўзбекистон», 2007 йил. 39-40 бетлар.

2.8. Каримов И.А. «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир». – Халқ сўзи , 2007 йил 13 феврал.

2.9. Каримов И.А. «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор». –Т.: Халқ сўзи, 2006 йил 25 февраль.

2.10. Каримов И.А. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». – Т.: Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

2.11. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». – Т: Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь.

2.12. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

2.13. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.

2.14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликни таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 315 б.

2.15. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар.

3.1. Солиққа оид қонун ҳужжатларидаги янгиликлар.- Тошкент: «NORMA». 2011.- 512 бет

3.2. Сборник №1 Нормативных документов по налоговому законодательству Республики Узбекистан. ГНК, РКИЦ, Ташкент, 2009.

3.2. Сборник №2 Нормативных документов по налоговому законодательству Республики Узбекистан. ГНК, РКИЦ, Ташкент, 2009.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2007 йил 9 августдаги 1701-сонли «Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2005 йил 16 июндаги 1480-сонли «Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.

3.5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 360 б.

IV. Асосий адабиётлар.

4.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 376 бет.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш–устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғафуров – Т.: Иқтисодиёт, 2010.-331 б.

4.3. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т:.Шарқ, 2009. 448 бет.

4.4. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –T.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.

4.5. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.

4.6. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.

4.7. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.

4.8. А.Н.Романова. Организация и методы налоговых проверок. учеб. пособ.М.:Вузовский учебник , 2009– 180 с.

4.9. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.

4.10. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Тухлиев Б.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

4.11. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ – 2008, 98 б.

4.12. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 343 б.

4.13. Абдуллаева Ш., Сафарова З. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошкариш. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 200 б.

4.14. Абдуллаева Ш., Файзуллаева М., Галак О., Абидинова Д. Банковский менеджмент и маркетинг. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 182 с.

4.15. Абдуллаева Ш., Омонов А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. –Т.: Иқтисод-молия, 2006. – 118 б.

4.16. Тухлиев Б.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т, Тўхсанов Қ.Н. Солиқлар ва солиққа тортиш: Ўқув қўлланма. – Т.: 2007. -320 б.

V. Қўшимча адабиётлар.

5.1. Митюкова Э.С. Налоговое планирование: анализ реальных схем. – М.: Эксмо, 2010. – 288 с.

5.2. Молчанов С.С. Налоги: расчет и оптимизация. – М.: Эксмо, 2010.–544с.

5.3. Юткина.Г.Ф. Налоги и налогообложения. Учебник-М: ИНФРА-М, 2001.- 429 с.

5.4. Налоги и налогообложение: Учебник. / Под ред. И.А. Майбурова. — 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 511 с.

5.5. Налоги и налогообложение: Учебник. / Под. ред. И.А. Майбурова. 2-е изд., перер и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.-511с.

5.6. Паскачев А. Б. Налоги и налогообложение : учеб. пособие. — М.: Высшее образование, 2008. — 384 с.
5.7. Тошмурадова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Ўқув қўлланма, -Т.: ТМИ, 2005. –158 б.
5.8. Абдуллаева Ш. Банк иши. –Т.: Иқтисод-молия, 2003. – 312 б.
5.9. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. – 304 б.
5.10. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. –Т.: Молия, 2000. – 312 б.
5.11. Абдурахманов О. Налоговые системы зарубежных стран. –М.: Палеотип, 2005. – 356 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик ҳисоботлар ва тўпламлар.

6.1. «Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ тизимининг ролини ошириш масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами**.** –Т.: «Иқтисодиёт», 2011. – 376 б. 2011 йил 16 март
6.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.: ДСҚ Солиқ академияси, 2010 йил 21-22 май.
6.2. Иқтисодиётни либераллаштириш ва ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.:ТДИУ, 2007 йил 14-15-декабрь.
6.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ тизимининг долзарб масалалари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.:ТДИУ, 2005 йил 14-15- декабрь.
6.4. «Халқ сўзи» газетаси.
6.5. «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси.
6.6. «Солиқ тўловчининг журнали» журнали.
6.7. «Бозор, пул ва кредит» журнали.

6.8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали.

6.9. «Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш» журнали

6.10. Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари фаолиятининг 2010 йилги натижалари.-Т.: ДСҚ, 2011.

6.11. «Ўзбекистон Иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, 2010.

VII. Интернет сайтлари.

7.1. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.

7.2. www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

7.3. www.cb.uz- Ўзбекистон Республика Марказий банки сайти.

7.4. www.soliq.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.

7.5. www.stat.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.

7.6. www.bankir.uz-Ўзбекистон Республикаси Банклари уюшмаси сайти.